Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 200 (4895).
6 СЕНТЯБРЬ 1982 й, ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА — 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

МЕҲНАТ АРМУҒОНЛАРИМИЗ — СССРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

БУГУН СОВЕТ МЕТАЛЛУРГЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН 44-ЗАРБДОР ҲАФТА БОШЛАНДИ

Озиқ-овқат программаси бўғинлари

Ёрдамчи хўжалик истиқболи

- ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИГИДА ҲОЗИР 300 ГЕКТАР ЕР БОР.
- ЙИЛНИНГ ФАҚАТ ЕТТИ ОЙИ МОБАЙНИДА КОЛЛЕКТИВ 2,5 ТОННА ПОМИДОР, 2,2 ТОННА КАРАМ, 3,7 ТОННА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИ ОЛДИ.
- ШУ ЙИЛНИНГ ЎЗИДА ҲАР БИР ХОДИМГА 25 КИЛОГРАММДАН ГЎШТ СОТИЛАДИ.
- ХЎЖАЛИКНИ ОМИЛКОРЛИК БИЛАН ВА БИЛИБ ЮРИТИШ 1981-90 ЙИЛЛАРДА ИНСТИТУТГА 0,9 МИЛЛИОН СУМГАЧА ФОЙДА КЕЛТИРАДИ.

Шаҳарда В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Ўзавторемонт» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиларидан намуна олиб, КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорлари асосида агросаноат комплексини янада ривожлантириш бўйича аниқ тадбирлар белгилаётган коллективлар тобора кўпаймоқда. Тошкент шаҳар партия комитети қўллаб-қувватлаган бу ташаббус пойтахтнинг корхона ва ташкилотларида кенг ёйиляпти.

Пойтахтдаги вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институти коллективи чорвачиликни ривожлантириш бўйича катта планлар тузди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги» қарорига мувофиқ Тошкент областининг Паркент районида чорвачилик питомниги базасида институт мутахассислари 1981 йилнинг охиридан деҳқончилик, чорвачилик ёрдамчи хўжалиги ташкил этдилар. Уни ривожлантириш истиқболлари қандай?

1982 йилнинг март ойида юз гектар суориладиган ва 156 гектар лалми ерларга қўшимча, яна 40 гектар майдон ўзлаштирилди. Баҳорда 10 гектарга картошка, 1 гектарга помидор, 7 гектарга пиёз, 10 гектарга карам, 4 гектарга полиз маҳсулотлари экилди. Бундан мақсад ҳар бир ходимни юз килограммдан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти билан таъминлашдан иборат эди. Шу йилнинг 1 августигача коллектив учун 2,5 тонна помидор, 2,2 тонна карам, 3,7 тонна полиз маҳсулотлари ва бошқалар етказиб берилди.

КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленуми материаллари очиқ партия мажлисида кенг муҳокама қилинди. Дирекция, партия ва касаба союз ташкилотлари томонидан 1982-1990 йиллар учун қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилди. Шундай вазифа қўйилди: 1990 йил охирига бориб ҳар бир ходимга (оиланинг миқдорини ҳисобга олиб) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳар биридан 200-250 килограммдан етказиб берилди.

Ходимларни гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида ҳам жиддий вазифалар қўйилди. КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларига мувофиқ, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида айтилган қоида ва хулосаларга амал қилиб, Тошкент вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институти коллективи ёрдамчи хўжаликнинг чорвачилик бўлимини ривожлантириш истиқболларини белгилади.

Ҳозирги пайтда ёрдамчи хўжаликда 250 от, 112 бузоқ, 820 қўй, 10 мингдан ортиқ қўён бор. 1982 йилнинг саккиз ойи мобайнида ёрдамчи хўжаликдан ходимларга 8 тонна гўшт (соф вазнда) сотилди. Институтда 1982-1990 йиллар учун ишлаб чиқилган тадбирларга биноан 1982 йилда ҳар бир ходимга 25 килограммдан гўшт сотиш белгиланди. Ундан сўнгги йилларда бу миқдор ортиб боради.

Ёрдамчи хўжаликда яқин йилларда чорвачиликни ривожлантиришга катта эътибор берилди. Ўзининг дориворлар тайёрлашдаги ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш учун корхона ҳар йили давлатдан талай миқдорда хашак ва ем оларди. Ёрдамчи хўжаликни истиқболда ривожлантириш планини амалга ошириш, шу жумладан, ер майдонларини кенгайтириш, 1990 йилда ёрдамчи хўжаликка керакли миқдорда ем етиштириш ва институтни керакли миқдорда чорва билан таъминлаш имконини беради.

Илмий-ишлаб чиқариш мақсадларида мустақил равишда мол боқиш институтга 90 тоннадан ортиқ қўй ва от гўшти, 3 тонна жун ишлаб чиқариш имконини беради.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатяптики, шахсий ёрдамчи хўжаликка эга бўлиш анча фойдали иш экан. Коллективнинг ўз кучи билан мол боқиши ишлаб чиқарилаётган дориворлар сифатини яхшилашдан ташқари, 1982—90 йилларда 900 минг сўмгача фойда олиш имконини беради.

Шу пайтгача турли хил ҳайвонларни биз бошқа жойлардан — Ленинград областидаги «Рапполово» питомниги, Фрунзедаги Ўрта Осиё зоология комбинати, Тошкентдаги ҳайвонот боғидан, Ўзбекистон ССР ва Козогистон ССРнинг колхоз ва совхозларидан келтирардик. Булар фақат денгиз чўчқаларигина эмас, балки қўёнлар, қўйлар ва бошқа ҳайвонлар бўлади. Иқтисодчиларнинг ҳисобича, ҳайвонларни чеккадан олиб келиш институтга 1982-1990 йилларда 637 минг сўмлик зиён келтиради. Бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга ёрдамчи хўжалик базасида ҳайвонларни мустақил етиштириш анча фойда беради, шунингдек, авиатранспортда ҳайвонларни ташишга барҳам беради. Юксак рентабелли ёрдамчи хўжалик, унда турли ҳайвонларни ўстирилиши Тошкент вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институтининг эҳтиёжини (тиббий-биология дориворлари ишлаб чиқариш, янги дориворларни ўзлаштириш бўйича тадқиқот ишлари олиб бориш учун зарур хом ашёга бўлган эҳтиёжини) қондиришдан ташқари, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг барча илмий-тадқиқот институтлари эҳтиёжини ҳам қондиради.

Шундай қилиб, Тошкент вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институти базасида ёрдамчи хўжаликнинг кенгайтирилиши ва уни янада ривожлантирилиши институт ходимларининг гўштга, сутга ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш, коллективнинг бозор ва унинг баҳосига боғлиқликдан ҳоли қилиш, давлатдан ҳайвонлар ва ем сотиб олишни маълум даражада чеклаш имконини беради.

Бу бизнинг партия ва ҳукуматнинг яқин йилларда меҳнат коллективларининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга даъватига амалий жавобимиз бўлади. Бундан ташқари, у бизга соғлиқни сақлаш ташкилотларини юксак самарали даволаш-диагностика ҳамда дориворлар билан етарли миқдорда ва ўз вақтида таъминлаш имконини беради.

Б. ВАФОҚУЛОВ.
СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Тошкент вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институти директори.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам ишчиси, ВЛКСМ аъзоси Ш. Қосимова СССР 60 йиллиги шарафига оширилган социалистик мажбурият олиб меҳнат қилмоқда. Моҳир тикувчи ойлик план топшириқларини мунтазам ошириб бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

СУРАТДА: Ш. Қосимова.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ТЕХНИКУМ ЯНГИ БИНОДА

Тошкент ҳисоб-бухгалтерия техникумининг ўқувчилари янги ўқув йилини тўрт қаватли янги бинода бошладилар. Бу ерда спорт базаси, мажлислар зали, кенг аудиториялар ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилган. Ўқув корпуси ёнгинасида студентларнинг 400 ўринли ётоқхонаси жойлашган.

Бунёдкорлик ишларида, айниқса, пардозлашда ўқувчиларнинг ўзлари актив қатнашдилар. 25 июлдан 25 августгача бўлган вақт ичида бу ерда студентлар қурилиш отряди бетиним ишлади. Қурилишда ўқувчилардан М. Мамадиев, М. Мирзакаримов ва Л. Усмонова ва бошқалар зарбдорчасига меҳнат қилдилар.

Республиканинг колхозлари, совхозлари ва аграр саноат комплекслари учун мутахассислар тайёрлаб бераётган Тошкент ҳисоб-бухгалтерлик техникуми бу йил Тошкент, Жиззах, Хоразм ва бошқа областлардан 300 йигит ва қизни бағрига олди.

Республика бўйлаб

Ангренда «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги автобазаси фойдаланишга қабул қилиб олинди. Бу ерда «Ангренский» кўмир разрезида кавлаб олинган ярақсиз жинсларни ташиш билан банд бўлган 250 та кучли карьер самосваллари —«КрАЗ»ларга техникавий хизмат кўрсатиш учун ҳамма шароитлар яратилган. Ремонт устахоналари Ватанимизда ишланган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Маъмуриймаиший корпусда душхона, ҳайдовчилар учун дам олиш хонаси жойлашган.

Янги автобаза— Ўрта Осиёда энг катта кўмир разрезини реконструкция қилиш планига кўра, қурилган дастлабки саноат объектларидан биридир. Бу билан ёқилғини арзон очиқ усул билан қазиб олиш кўпайтирилишини кўзда тутади.

* * *

Норин районининг маъмурий маркази—Ҳаққулободда катта саноат қурилиши авж олди. Бу ерда Наманган шойи комбинатининг биринчи қишлоқ филиали қурилмоқда.

Бетон устунлар бўлгуси йигирув-тўқув фабрикасининг тарихини кўрсатиб қўйди. «Облсельстрой» трестидан А. Каримовнинг монтажчилар бригадаси қурилиш-монтаж ишларини сифатли олиб боргани ҳолда графикдан анча ўзиб ишламоқда. Планга кўра, фабриканинг биринчи навбатини келаси йил охирларида ишга туширишга мўлжалланган. Лекин қишлоқ қурувчилари ўз имкониятларини чамалаб чиқиб, объектда шу йилиёқ топшириш мажбуриятини олдилар. Улар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига шундай ҳадя тайёрлашга қарор қилдилар.

Наманган комбинатининг қишлоқ филиали лойиҳага кўра йилига 12 миллион погон метр сурп тўқиб чиқаради.

* * *

Қўриқ «Жиззах» совхозидаги лимонзор йирик хўжалик бўлиб қолди. Унинг майдони тўрт баравар кенгайтирилди. Бу йил цитрус мева етиштирувчилар серҳосил «Меер» ва «Юбилей» навларидан 120 мингта мева юборадилар. Қурилиш давом этмоқда. — Беш йиллик охиригача лимонзор майдони 18 гектарга етади. Қўриқда — Октябрь, Жиззах ва Зарбдор районларида яна учта лимонзор барпо этилмоқда.

(ЎзТАГ).

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

Матбуот маркази хабар қилади:

ШУ КУНГАЧА 1860 ПАРТИЯ ГРУППАСИДА ВА 680 ЦЕХ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Авиация, «Ўзбексельмаш», «Технолог» бирлашмалари, В. И. Ленин номли электрон техника, «Ташсельмаш» заводлари, 11-«Висотстрой» трести, 1 ва 2-уйсозлик комбинатлари, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарининг, партия группалари ва цех партия ташкилотларида йиғилишлар юксак сиёсий ва ташкилий савияда ишчанлик, танқид ва ўз-ўзини танқид вазиятида ўтди.

ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

1-пойафзал фабрикасининг бичувчиси Н. Н. Кармаенкова цех партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиқиб, шу йилнинг охиригача камида 100 минг квадрат дицеметр хром чарм товарларни иқтисод қилиб қолиш мажбуриятини олди. Ана шу товарлардан қўшимча 5 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқариш мумкин.

«Средазэлектроаппарат» бирлашмаси 6-қайта коммутациялаш цехининг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, электр-монтажчи Л. Валетова бошлиқ участкаси партия группаси йиғилишида Тошкентнинг 2000 йиллигига қадар беш йилликнинг уч йили планини бажариш ҳақидаги мастер Л. Хантова участкаси коллективининг ташаббуси маъқулланди ва қўллаб-қувватланди. Партия группаси коммунистлари СССР Газ саноати министрлигининг Уренгой-Ужгород магистраль газ қувурига доир буюртмаси катта аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб бир ой давомида квартал программасини бажаришга қарор қилдилар.

Сергели авиакорхонаси авиация-техника базаси 1-цехининг С. Бахтиёров сменаси йиғилишида йиллик планни Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига қадар бажариш мажбуриятини олди.

«Ташхимсельм а ш» заводи 4-цехи цех партия ташкилотининг ёш коммунисти М. Исмандиёрова ўн биринчи беш йиллик планини СССР Конституцияси куни — 1984 йилнинг 7 октябрига қадар бажариш мажбуриятини олди.

11-«Висотстр о й» трести 17-қурилиш бошқармасидан Б. Егоров бригадаси партия группаси ўз йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг газеталар корпуси қурилишидаги қурилиш-монтаж ишларини муддатидан илгари—1982 йилнинг 15 октябрига тугаллаш мажбуриятини қабул қилди. Бу мазкур объектни Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига қадар топшириш имконини беради.

ТАКЛИФ ВА ТАНҚИДИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

Тошкентдаги 2-уйсозлик комбинати 2-йирик панелли уйсозлик заводи арматура цехининг арматурачиси А. Ковалев бевосита заводда сабзавот ва мевалар савдоси ташкил этилмаганлиги учун Ҳамза район улгуржи-чакана савдо идораси раҳбарларини танқид қилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси цех партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар аксарият ЖЭКларнинг территорияларида кўрсаткич ва схемаларнинг йўқлиги, уйларнинг номерлари чалкашлиги учун шаҳар уй-жой бошқармасини танқид қилдилар. Бу шаҳар Ички ишлар органлари оператив-патрул л и к ҳамда навбатчилик хизматларининг ишини бирмунча қийинлаштиради.

«Таштекстильшвейторг» 43-магазинининг сотувчиси Р. Раҳимова йиғилишда магазинларга товарларни бир маромда етказиб бериш ташкил этилмаганлиги учун «Узторгодежда» республика бошқармасин раҳбарлигини танқид қилди. Бу магазинларнинг ой охирига келиб тигиз ишлашига, дам олиш кунлари ҳам ишлашига олиб келмоқда.

ВЬЕТНАМ МАДАНИЯТИ НАМОЙИШИ

Республикамиз пойтахтида Вьетнам Социалистик Республикаси китоблари ўн кунлиги давом этмоқда. Дўстлик ва қардошлик тадбири Ленин проспектидаги «Дўстлик» китоб магазинида тантанали очилди.

Магазинга Вьетнам ҳақида, унинг саноати, фани, маданияти қандай ривожланиб бораётганлиги ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар жавонларга териб қўйилган.

Бундан ташқари Вьетнам ва СССРда нашр этилган янги адабиётлар ҳам ўрин олган. Улар орасида Вьетнам халқининг севимли сиёсий партия ва давлат арбоби Хо Ши Мин, Вьетнам Компартияси ҳужжатлари ва материаллари, партия ва давлат арбоблари, олимлар ва мутахассисларнинг асарлари бор.

Бу диёрда бўлиб ўтган шиддатли жанглар ва тинч қурилиш йиллари ҳақида ҳикоя қилувчи Вьетнам адибларининг асарлари Совет Иттифоқи китобхонлари ўртасида шуҳрат қозонган.

Бутуниттифоқ китоб палатасининг маълумотларига кўра кейинги йилларда мамлакатимизда Вьетнам ёзувчиларининг асарлари 277 марта 13,8 миллион нусхада нашр этилди. Бу китобларнинг СССР халқларининг 19 тилида, шу жумладан ўзбек тилида нашр этилди.

ГАЗДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ ИККИ ОЙЛИГИ

Бебаҳо ёқилғини асрайлик

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети газ билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, шаҳар аҳолисини рўзғордаги газ асбобларидан фойдаланиш қоидаларига жиддий риоя қилишлари, шунингдек, газ хўжалигини қишга тайёрлаш мақсадида газдан хавфсиз фойдаланиш бўйича икки ойлик ўтказиш юзасидан қарор қабул қилди. Бу ойликни ўтказиш учун Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари С. М. Юсупов раислигида комиссия тузилди. Мухбиримиз ана шу комиссия раиси ўринбосари, шаҳар газ бошқармасининг бошлиғи Евгений Борисович Кейновга мурожаат қилиб 1 ноябрга қадар ўтказиладиган ойликнинг асосий вазифалари ва тадбирлари ҳақида ҳикоя қилиб беришни сўради.

— Чиндан ҳам табиий ёқилғининг баҳоси йўқ. Шаҳар хўжалигининг тараққий этиши туфайли Тошкент шаҳрида 370 мингдан зиёд квартира табиий ва суюлтирилган газ билан таъминланган, кўпгина ишлаб чиқариш корхоналари ва муассасалар ана шу табиий ёқилғи асосида ишламоқда. Бу мақсадлар учун рангбаранг газ асбоблардан фойдаланилади: иситиш печлари, катта ҳажмли сув иситгичлар ва бошқалар. Ўз вақтида ремонтдан чиқарилган ва ишга яроқли ҳолда созлаб қўйилган дудбуронлар ва вентиляция каналлари, кузги-қишки даврда газдан хавфсиз фойдаланишнинг гаровидир.

Уй-рўзғорда ва ишлаб чиқаришда газдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва айни пайтда қишки иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш муносабати билан ана шу икки ойлик тадбир ўтказилмоқда. Бу давр ичида газдан фойдаланувчи кишилар хавфсизлик қоидалари билан атрофлича таниш олишлари учун агитацион характердаги қатор тадбирлар амалга оширилади.

Бирлашмамизга қарашли корхоналарнинг мутахассислари корхоналарда, маҳаллаларда, уй-жойлардан фойдаланиш идораларида лекция ва суҳбатлар ўтказадилар, шу мавзуда ҳужжатли фильмлар ва бошқа кўргазмали агитация воситалари намойиш этилади.

Бу икки ойликни муваффақиятли ўтказишда пойтахтимизнинг аҳолиси ва корхоналар ҳамда муассасаларнинг раҳбарлари активлик билан қатнашувларига ишонамиз. Газ ва газ асбоблардан оқилона билиб фойдаланиш — қимматбаҳо табиий ёқилғини жуда катта миқдорда тежаб қолиш демакдир. Натижада қиш фаслининг қаҳратонли кунларида аҳолини ёқилғи билан бир меъёрда таъминлаш йўлга қўйилади.

Газдан фойдаланиш қоидаларига жиддий риоя қилиш хавфсизлигимиз гаровидир.

• *«ДОЛЗАРБ МАВЗУ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН*

ТОШКЕНТДА «КИЧКИНТОЙ» МАГАЗИНИ БЎЛАДИ

Редакция почтаси, туғруқхоналар, аёллар консультацияларининг медицина ходимлари билан бўлган суҳбатлар редакцияни «Кичкинтой» магазинини ташкил этиш тўғрисидаги масалани кўтаришга даъват этди. Бу магазин фарзанд кутаётган аёлларнинг у ердан чақалоқнинг яктакчасидан тортиб болалар аравачасигача бўлган зарур товарларни сотиб олишга хизмат қилиши керак.

Газетамизнинг шу йил 30 июль сонида босилган «Чақалоқ нега йиғлайди?» мақоласи газетхонларимизда жуда катта қизиқиш уйғотди. Бу мақола Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармаси эътиборини ҳам тортди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг бошлиғи Н. Ахмедовнинг редакцияга хабар қилишича, «Чақалоқ нега йиғлайди?» мақоласи чақалоқларни зарур товарлар билан таъминлашдаги, бундай товарлар савдосидаги бир қатор нуқсонларни ўз вақтида кўрсатиб ўтган.

Чиндан ҳам савдо ташкилотлари буюртмаларининг бажарилмаслиги оқибатида савдони болаларнинг ич кийимлари ва йўргаклари билан таъминлашда тез-тез узилишлар рўй бермоқда. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармаси аҳолининг зарур товарларга бўлган талабини қондириш учун муайян ишларни қилмоқда. Маҳсулот етказиб беруВчилардан шу йилнинг етти ойи мобайнида 33 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот олинди, савдонинг саноат корхоналари билан ўзаро алоқаси бир мунча яхшиланди, маҳсулотларнинг сифатига янада юксакроқ талаблар қўйиладиган бўлди.

Бошқа республикалардан марказлашмагач тартибда 26 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари, шу жумладан ярим миллион сўмлик болалар ассортиментидаги маҳсулот сотиб олинди.

Бироқ савдода ҳамон чақалоқлар учун етарли миқдорда комплектлар, конвертлар, читдан тикилган кийимлар, болаларнинг чолварлари, трикотаж, чит майкалар, колготкалар ва болаларнинг пайпоқлари етарли миқдорда эмас.

Чақалоқлар учун товарлар билан савдо қилишни ташкил этишни яхшилаш мақсадида 1983 йилда Тошкентда чақалоқлар учун товарлар сотишга ихтисослаштирилган «Кичкинтой» магазини очилади.

«Чақалоқ нега йиғлайди?» мақоласидаги масалалар ўз вақтида кўтарилган актуал масалалар. Шуни айтиш керакки, республика савдо министрлиги болалар учун, шу жумладан чақалоқлар учун товарлар ишлаб чиқарадиган министрликлар ва идоралар билан ҳамкорликда шу товарларнинг ҳажмини ва ассортиментини ошириш бўйича муайян ишларни амалга оширмоқда. Бирок савдо ташкилотларининг, айниқса, чақалоқлар учун мўлжалланган товарларга берган буюртмалари коникарли бажарилмаяпти, натижада савдода узилишлар рўй бермоқда.

1983 йил учун Тошкентнинг савдо ташкилотларига чақалоқлар учун 496 минг сўмлик комплектларни, ясли ёшидаги болалар учун 167 минг сўмлик ички кўйлакларни, ясли ёшидаги болалар учун 2 миллион сўмлик трикотаж кўйлакларни, ясли ёшидаги болалар учун 1 миллион 300 минг сўмлик устки трикотаж кийим-кечакларни, 43 мингта болаларнинг сайр қиладиган аравачаларини, 255 тонна болалар совунларини, 91 минг сўмлик болалар кремларини, 681 тонна болалар озиқ-овқат маҳсулотларини ва бошқа маҳсулотларни етказиб беришга фондлар ажратиш режалаштирилмоқда.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари кўтарган масалаларнинг муҳимлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги савдо Бош бошқармасига 1983 йилнинг биринчи ярмида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети томонидан Халқлар дўстлиги кўчасининг 3—«Б» уйида ажратиладиган 250 квадрат метр майдондаги хонада «Кичкинтой» магазинини ташкил этишни топширди. Бу магазинда товарларнинг ҳамма ассортименти чақалоқларга мўлжалланган бўлади. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети билан келишувга биноан бу ерда савдо фақат талонлар бўйича ташкил этилади.

«Кичкинтой» магазинининг очилиши харидорларга савдо хизмати ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш маданиятини бир мунча яхшилаш имконини беради.

Республика савдо министрлиги шу магазинни зарур товарлар билан таъминлаш бўйича қўшимча тадбирларни белгилайди.

К. ШУКУРОВ,
Ўзбекистон ССР Савдо министрининг ўринбосари.

«ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА

△ Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министри С. Ольшовский 1982 йил сентябрь ойининг биринчи ярмида расмий визит билан Совет Иттифоқига келади.

△ «Халқ зиёлилари» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

△ «Тез, шинам, тежамли қурайлик» деб номланган «Правда» амалий клуби»нинг 4-сони эълон қилинган.

△ Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари босилган.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Фарзанд тарбиясига бағишланди

Акмал Икромов районининг Бешқайроғоч массивидаги Ҳамид Олимжон номли коттеж-маҳалла клубида болалар тарбиясига бағишлаб «Фарзандимиз — дилбандимиз» мавзуида кеча бўлиб ўтди. Унда маҳалла истиқоматчилари, пенсионерлар, ўқитувчилар иштирок этишди.

Маҳалла комитети раиси, Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти доценти С. Ризаев фарзанд тарбиясида ота-она, мактаб коллективи ва бутун жамоатчиликнинг ҳамкорликда иш олиб бориши катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади: Қори-Ниёзий номли педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти бошлиғи ғаълим методикаси сектори мудири, педагогика фанлари кандидати Қумри Абдуллаева «Ота-она ва фарзанд тарбияси», «Қайнона ва келин муомласи» тўғрисида суҳбат ўтказди.

Маҳалла хотин-қизлар совети раиси, 245-мактаб ўқитувчиси Матлуба Ҳидоятова, пенсионер Ҳамида Ҳошимова, уй бекалари Муоллаҳ Солиҳова, Мукаррам Баҳромовларнинг ҳам болалар тарбиясига оид фойдали мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

О. ҲАКИМОВ.

ЙИЛНИНГ АСОСИЙ ЙИҒИЛИШИ ИШЧАНЛИК, АКТИВЛИК ВА УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТСИН

Ҳисобот-сайлов кампанияси — партия ташкилотлари ҳаётида масъулиятли давр. КПСС XXVI съезди қарорларини бажариш, шонли юбилей — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ катта ишлар йили ортда қолди.

КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорлари ва СССРнинг Озиқ-овқат программаси қабул қилиниши совет кишиларида янги меҳнат ва ижодий активликни жўш урдирмоқда. Ушбу режаларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз коммунистлари, барча меҳнаткашларининг биринчи даражали вазифаси ҳисобланади. Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов кампаниясидан КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларини бажариш борасидаги курашда муҳим босқич сифатида фойдаланмоқдалар.

Партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар ниҳоясига етмоқда. Олдинда — бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари. Эртага барча район партия комитетларида бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарликка бағишланган семинарлари бўлиб ўтади. Биз ушбу саҳифа материалларида йилнинг бош йиғилишига бошланғич партия ташкилотлари қандай тайёрланаётганликлари ҳақида ҳикоя қиламиз.



2-маршрутли таксилар автотранспорт корхонаси. Ушбу корхона партия ташкилотининг секретари қилиб беш йилдан бери коммунист ҳайдовчи Фоат Халлиулович Халиуллин сайланмоқда. У бу ерда 1971 йилнинг апрель ойидан бери меҳнат қилади, халқ депутатлари Фрунзе район Советининг депутати этиб сайланган.

* * *

«Ташгаз» бирлашмаси, Толиб Ваҳобович Сайфуллаев ушбу корхона партия ташкилотининг секретари.

СУРАТДА: Т. Сайфуллаев (ўртада) Тошкент газ тўлдириш станцияси коммунистлари — партия группаси ташкилотчиси катта инженер А. Шоумаров ва токарь Б. Николаев билан суҳбатлашмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

Умумхалқ ишига ҳиссамизни қўшамиз

КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорлари — коммунистларнинг диққат марказида, — деб ҳикоя қилади «Госкомсельхозтехника»нинг Тошкент тажриба ремонт-механика заводи партия ташкилоти секретари Н. РАҲИМОВ.

КПСС Марказий Комитети Май (1982йил) Пленуми қарорлари ҳозирги пайтда шаҳар партия ташкилотлари, коммунистларининг диққат марказида турибди. Пленумда кўрсатиб ўтилганидек аграр — саноат комплекслари составига кирадиган корхоналар партия ташкилотларининг биринчи навбатдаги вазифаларидан бири янги ишлаб чиқариш майдонларининг қурилишини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришнинг реконструкцияси ва техникавий қуролланиши, ана шу асосда ишлар самарадорлиги ва сифатини ҳар томонлама ошириш, қишлоқ учун техника ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилишининг юксак суръатларини таъминлаш масалаларини ҳал этиш бўлиб қолмоқда.

Қишлоқнинг қишлоқ хўжалик техникаси ва эҳтиёт қисмларга бўлган талабини тўла қондиришда бизнинг заводимиз коллективи ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шу беш йилликнинг охирига бориб биз буюмларнинг барча номенклатураси бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини икки марта кўпайтиришимиз лозимлигини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя. Кўп йиллик тажриба шу нарсани кўрсатмоқдаки, бизда ишлаб чиқаришнинг энг нозик жойи деталларни қайта тиклаш цехидир. Шунинг учун ҳам 1978 йилда реконструкция бошланди, жумладан 1982 йилнинг тўртинчи кварталида деталларни қайта тиклаш янги цехини ишга тушириш белгиланган.

КПСС Марказий Комитети май Пленумининг қарорлари муносабати билан беш йилликнинг иккинчи йили планини муваффақиятли якунлаш бўйича биринчи ярим йилликда қилинган ишлар ва навбатдаги вазифалар очиқ партия йиғилишида 15 июлда муҳокама қилинди. Йиғилишда қабул қилинган қарорга биноан янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни жадаллаштиришда заводимиз коллективи актив қатнашмоқда. Коммунистлар бу ишларнинг олдинги марасида боришмоқда

Ҳозирги пайтда заводнинг партия ташкилоти, маъмурияти реконструкциянинг боришини тезлаштириш бўйича тадбирлар белгиламоқда. Қишлоқда бизнинг маҳсулотимизга бўлган мунтазирликни ҳисобга ола туриб янги ишлаб чиқариш корпусининг монтажини тугаллашда завод коллективининг ҳиссасини янада кўпайтириш учун ҳамкорликда имкониятларни излашни кучайтирмоқдамиз.

Оталиғимиздаги хўжалик — «Пахтакор» районидаги 6-совхозга ёрдам кўрсатишга катта аҳамият бермоқдамиз. Завод совхознинг ўнлаб тракторлари ва двигателларини мунтазам капитал ремонт қилиб бермоқда.

Корхоналарнинг ёрдамчи хўжалиги қишлоқ хўжалиги нозу-неъматларини етиштиришни кўпайтиришда муносиб ҳисса қўша олишни эътиборга ола туриб заводнинг раҳбарлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари коллективга Паркент районида 200 гектар майдонда ер хўжалиги ажратиб олишга эришдилар. Яқин орада бу майдонда суғориш, корхона кучи билан чорвачилик комплексини бунёд этиш ишлари бошлаб юборилади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида тақдим қилинган СССР Озиқ-овқат программасида ҳар бир меҳнат коллективи юксак талабчанлик кўрсатмоғи талаб қилинади, бу топшириқнинг бажарилишида ўзининг ҳиссасини кўпайтиришнинг резервлари ва имкониятларини излаш илҳомини ўйғотади.

Ҳаётнинг тақозо этишича, ана шу масалаларни ҳал этишнинг энг муҳим омилларидан бири коммунистларнинг авангардлик ролини янада ошириш, коллективда ишнинг аҳволи учун уларнинг масъулиятлилигини кучайтириш керак.

Заводнинг ҳар бир коммунисти пленум қарорларининг амалда бажарилаётганлигига қандай ҳисса қўшаётганлиги ҳақида 14 октябрда бизда бўладиган партия ҳисобот-сайлов йиғилишида очиқ-ойдин, изчил гаплашиб оламиз.

Шу кунларда партия ташкилотида бу муҳим тадбирга синчковлик билан тайёргарлик кўрилмоқда.

Ҳисобот докладига — алоҳида эътибор

деб таъкидлайди 10-ўрта мактаб бошланғич партия ташкилотининг секретари Г. КОНЬКОВА.

10-ўрта мактаб партия ташкилоти катта эмас: 18 коммунист, улардан 11 киши ўқитувчи, 7 коммунист — пенсионер партия учётида туришади. Биз ҳисобот-сайлов йиғилишига уни ўтказишдан анча олдин тайёргарлик бошлаймиз. Аввало ҳисобот-сайлов йиғилишининг қарори, коммунистларнинг танқидий фикр ва мулоҳазалари бажарилиши якунларини анализ қиламиз. Партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажариш, шунингдек, ўқув тарбия жараёни самарадорлигини ошириш, коммунистлар ва бутун педагогика коллективининг педагогик маҳоратини такомиллаштиришни ўз ишининг асосий йўналиши деб ҳисоблайди. Партия ташкилоти, барча коммунистлар ва бутун педагогика коллективи ана шу вазифаларни бажариш устида ишлаяпти.

Анчагина ижобий ишлар қилинди, айни пайтда ҳали охиригача ҳал этилмаган муаммолар бўлиб, коммунистлар ҳисобот йилидаги партия бюроси мажлисларида, ўзларининг уставда белгиланган вазифаларни бажариш бўйича ҳисоботларида шулар ҳақида гапиришди. Биз ҳозир тайёргарлик кўраётган ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳам шу ҳақда сўз боради.

Агар йиғилишда долзарб масалалар муҳокама этилса, унга яхши тайёргарлик кўрилса, шундагина мажлис ишчанлик, активлик вазиятида ўтади, барча коммунистларни қизиқтиради, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Шуни ҳисобга олиб, ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масаласи партия бюроси мажлисида кўриб чиқилди. Барча коммунистлар уни ўтказиш бўйича конкрет топшириқлар олишган. Жумладан, З. Элчибекова коммунистларга хабар бериш ва уларнинг қатнашувини таъминлаш, А. Нерон билан Р. Халитов йиғилиш ўтадиган хонани жиҳозлаш, партия бюроси аъзолари Г. Конькова, Л. Манильская, А. Воронинадар доклад ва қарор лойиҳаси тайёрланишига масъулдирлар. Коммунистлар ҳозирнинг ўзида коллективнинг ҳисобот давридаги дастлабки иш якунларини биладилар, бу уларга докладни ишчанлик, активлик билан муҳокама этишга танқидий кўз билан тайёрланишларида ёрдам беради. Ўқув-тарбия ишни, партия ўқувини ташкил этиш ва унинг ҳолати, коммунистларнинг танқидий фикр ва мулоҳазаларининг бажарилишини анализ қилиш — буларнинг ҳаммаси партия бюроси ҳисобот докладини асосини ташкил этади.

Тажриба шуни кўрсатадики, йиғилишга бундай тайёргарлик кўриш, уни уюшқоқлик билан, юксак сиёсий савияда ўтказилишини таъминлайди. Масалан, ўтган йилги ҳисобот-сайлов йиғилишида етти коммунист сўзга чиқди, қизғин, жонли, сўзсиз фойдали мунозара бўлди. Коммунистлар А. Воронова, Р. Хамитов, А. Нерон, В. Селеванова, М. Латифов, Л. Танильская сўзга чиқишиб, бутун партия ташкилоти фаолиятини чуқур анализ қилишди, ўқув-тарбия ишини, мураббийликни яхшилаш, ёш ўқитувчиларга амалий ёрдам кўрсатиш, партия ўқувини ташкил этишни такомиллаштириш, ўқувнинг техника воситаларидан фойдаланиш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш бўйича конкрет таклифлар киритишди. Шунингдек, улар партия бюросининг, бутун коммунистларнинг ўқувчилар касб танлаши бўйича етарли даражада иш олиб бормаётганликларини кўрсатиб ўтишди. Ўқувчиларга меҳнат тарбияси бериш, коммунистларнинг партия топшириқларини бажаришларидаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритишди.

Ана шу барча таклиф ва мулоҳазалар қарорга киритилди, уларни ижро этишнинг конкрет муддатлари ва масъул кишилар белгиланди. Бугун барча белгиланган ишлар асосан бажарилганлигини қониқиш билан таъкидлаш мумкин. Партия йиғилиши активлигининг «сири» нимада деган саволга жавоб беришни истайман. Менимча у биринчидан, коммунистлар унга олдиндан тайёргарлик кўришди, партия ташкилоти ички ҳаётини билишади, йиғилишларда дадил сўзга чиқишади. Иккинчидан шунга эришиш керакки, камчиликларни бартараф этишга қаратилган сўзлари ишлари билан уйғун бўлиши, йиғилишда қабул қилинган ҳар бир қарор уни амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий ва сиёсий иш билан мустаҳкамланиши лозим. Чунки коммунистларнинг активлиги, уларнинг билдирган фикрлари партия бюроси, мактаб раҳбарлари эътиборини тортади. Бизда йиғилишларда сўзга чиқувчилар ҳамиша кўп бўлади, чунки кишилар ўзлари кўтариб чиққан ҳар бир масала, ҳар бир таклиф унутилиб юборилмаслигини биладилар. Навбатдаги партия йиғилишида коммунистларга аввалги йиғилиш қарори, шунингдек, коммунистларнинг музокараларда билдирган таклиф ва мулоҳазаларини бажариш бўйича нималар қилингани ҳақида, албатта хабар қилинади.

Ҳар бир кишининг фаол иштироки — муваффақият гарови

— дейди упа-элик фабрикаси партия бюросининг секретари З. СОБИРОВ.

Район партия ташкилотлари ҳаётида масъулиятли давр — ҳисобот ва сайловлар даври бошланди. Упа-элик фабрикаси коллективи КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) ва май (1982 йил Пленумларининг тарихий қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш борасида муваффақиятли меҳнат қилмоқдалар. Бизнинг партия ташкилотимиз коммунистлари йилнинг бош йиғилишига катта масъулият билан тайёргарлик кўришаяпти. Биз активларнинг иштироки билан июнь ойида партия бюросининг мажлисида партия ҳисобот-сайлов йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқдик ва тасдиқладик. Партия бюросининг барча аъзолари цех партия ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш учун бириктириб қўйилмоқда.

Район партия комитети бизга катта ёрдам кўрсатди. Район партия комитети цех партия ташкилотлари секретарлари ва партия группаларн ташкилотчилари учун семинар ўтказди. Биз ана шу семинарларда ҳисобот-сайловлар йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш учун зарур ҳужжатлар рўйхатини белгиловчи методик тавсиялар, доклад бўлимлари, қарор лойиҳаси тайёрлаш бўйича намуналар, ҳисобот бериш учун ахборот формалари ва бошқа материаллар олдик.

Фабрика партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишини октябрь ойида ўтказиш белгиланган. Докладни тайёрлаш учун комиссия тузилган. Унинг составига партия ташкилоти секретари, партия бюроси аъзолари, цех партия ташкилотларининг секретарлари киритилган. Комиссия ишлаб чиқариш, идеология, ташкилий партиявий бўлимлар бўйича доклад тайёрловчи уч қуйи группага бўлинган.

Докладни тайёрлашда ҳисобот-сайлов йиғилиши учун цех партия ташкилотларидан тўпланган материаллардан фойдаланилмоқда. Тажриба шуни кўрсатадики, ҳисобот-сайлов йиғилишини, айниқса докладни, қарор лойиҳасини тайёрлашга коммунистларни кенг жалб этиш — йиғилиш коммунистларнинг юксак активлиги вазиятида ўтишнинг энг зарур шарти ҳисобланади.

Доклад бўлимлари, қарор лойиҳасини тайёрлашга масъул коммунистлар ҳозирги пайтда ишлаб чиқаришдаги аҳволни, коллективдаги ғолвий ва сиёсий-тарбиявий ишнинг ҳолатини, ички партия ҳаётини ўрганмоқдалар. Маъмурият фаолиятини назорат этиш бўйича комиссия раиси ҳисоботини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Муҳокама қизиқарли, мазмунли бўлиши учун сўзга чиқувчиларни аниқлаш ва тайёрлаш ҳам муҳим ишдир. Коммунистларнинг партия йиғилишларида айтилган таклиф ва мулоҳазаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, коммунист В. Ананьева 1981 йилда бўлиб ўтган партия ҳисобот-сайлов йиғилишида партия бюроси билан маъмурият маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси (КСУКП)ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда бино ва унинг атрофидаги территорияни ободонлаштириш масаласи билан етарли даражада шуғулланмаётганликларини айтган эди. Бу масалалар партия йиғилишида муҳокама этилган эди. 1982 йилнинг февралида система (КСУКП) жорий этилди. Шу йилнинг июнь ойидан бошлаб фабрика биноларини капитал ремонт қилиш ва атрофидаги территорияни ободонлаштириш ишлари бошланди.

Биз партия ҳисобот-сайлов йиғилишларида цех партия ташкилотлари ва бутун фабрика бўйича маъмуриятнинг кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқиш юзасидан фаолиятини назорат қилиш учун комиссия сайлашни белгиладик. Бундан мақсад меҳнаткашларнинг бизнинг маҳсулотимизга бўлган эҳтиёжларини тўла қондиришдир.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш планида партия бюросининг янги составига номзодларни олдиндан кўриб чиқишни назарда тутаяпмиз. Йиғилиш ўтказиладиган жой кўргазмали, мазмунли ва қизиқарли жиҳозланиши тўғрисида қайғураяпмиз. Ийл бўйи чиқарилган деворий газеталар, танқидий варақалар, «Чақмоқлар», фото монтажлар кўргазмаси ташкил этилмоқда. Уларда партия ташкилотининг ҳисобот давридаги иши акс этган. Ана шу масалаларни тайёрлашга барча цех партия ташкилотларидан коммунистлар бириктириб қўйилган.

Мажлисга тайёргарликнинг ғоят муҳим шарти — бу коммунистларни ўз вақтида хабардор қилиб қўйиш, чиройли эълон ёзиш ва цех партия ташкилотлари орқали ҳар бир кишига шахсан хабар қилишдан иборат.

Бир сўз билан айтганда, йиғилишга тайёргарлик ишида бирорта коммунист четда қолмаслиги керак ва биз партия ташкилотимиз коммунистларининг кўпчилиги йиғилишга тайёргарлик ишида қатнашишларига ҳаракат қилаяпмиз. Йиғилишга бир ҳафта қолганда партия бюроси мажлисини ўтказамиз. Бунда докладни тасдиқлаймиз, у ёки бу масалага масъул коммунистлар йиғилишга тайёргарлик ҳақида ҳисоб беришади.

Таъсирчан ва самарали назорат

Тажриба экспериментал заводи бошланғич партия ташкилоти қувватларни ишга туширишни бўйича назорат қилиш комиссиясининг раиси Д. ТИЛЛАХЎЖАЕВ ҳикоя қилади.

Илмий-техника тараққиётини ривожлантириш, янги техника ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш экономикани жадал юксалтиришнинг асосий омилларидир. Шу боисдан илмий-текшириш институтларида тажриба-экспериментал базаларини ташкил этиш ва кенгайтириш катта роль ўйнайди. Институтимиз коллективи олдида ҳам шундай вазифа турибди.

1979 йилда пахта целлюлозаси химияси ва технологияси илмий-текшириш институтида саноат асосида целлюлоза ишлаб чиқарувчи тажриба экспериментал заводи фойдаланишга топширилган эди. Аммо ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги техник камчиликлар туфайли лойиҳа қувватига эришиш чўзилиб кетди.

Институтимизда тайёрланаётган ишларнинг халқ хўжалиги учун муҳимлигини ҳисобга олиб партия бюроси 1982 йилнинг январь ойида тажриба экспериментал заводида қувватларни ўзлаштириш бўйича маъмурият фаолиятини назорат қиладиган комиссия ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Комиссия составига партия ташкилотимизнинг беш коммунисти ҳам кирди.

Комиссия ўтган давр мобайнида тўрт марта текшириш ўтказди. Мосламаларни ўрнатиш, улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва уни реализация қилиш даражаси, тажриба заводини зарур мосламалар ва материаллар билан таъминлаш сингари масалалар ўрганилди.

Текшириш якунлари бўйича комиссия партия бюросига мунтазам ахборот бериб турди, илмий-техника совети йиғилишларида аниқланган камчиликларни тезроқ бартараф қилиш бўйича ўз таклифларини киритди. Текшириш натижалари деворий газета ва радио газетада эълон қилинди.

Институт раҳбарлари комиссия ишига катта эътибор билан қарашмоқда. Бизнинг таклифимизни ҳисобга олган ҳолда илмий-техника совети икки марта қарор чиқарди, институт директорининг буйруқлари чиқарилди. Комиссия фаолиятига бағишлаб институт партия бюросининг йиғилиши ўтказилди. Унда тажриба-экспериментал заводида қувватларни ўзлаштиришни тезлаштириш бўйича аниқ тадбирлар белгиланди.

Буларнинг ҳаммаси муҳим участкада ишни яхшилашга ёрдам берди. Жумладан, комиссия ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини текширганда биринчи ва иккинчи цехда қувватлардан 50-60 процент фойдаланилаётганлиги, учинчи цехда мавжуд уч регенератордан биттаси ишлаётганлигини аниқлади. Бунга ускуналарни монтаж қилиш вақтида йўл қўйилган нуқсонлар сабаб бўлган.

Комиссия таклифига биноан илмий-техника совети қарорига кўра бу цехларга институтнинг илмий кидириш бўлинмаларидан мутахассислар юборилди. Улар ускуналарни созлаш ва нуқсонсиз ишлашини таъминлашга катта ҳисса қўшдилар. Партия ташкилоти ва илмий-техника совети ишнинг боришини мунтазам назорат қилиб турди.

Натижада 1982 йилнинг июль ойида биринчи ва иккинчи цех лойиҳа қувватига эришди, учинчи цехда қувватлардан фойдаланиш коэффициенти 75 процентга етди.

Комиссия халқ контроли группаси, касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлади. Фарғона, Энгельс, Каунасдаги ацетат тола ишлаб чиқариш корхоналари партия ташкилотлари бизга катта ёрдам кўрсатишди. Буларнинг ҳаммаси олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишга ёрдам берди. Шунга қарамасдан барча масалаларни ҳал қилдик дея олмаймиз. Активлаштирилган кўмирнинг етишмаслиги туфайли учинчи регенератор ҳамон ишламаяпти, иссиқлик таъминотида ҳам камчиликлар мавжуд.

Институт партия ташкилотининг яқинда бўладиган ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарлик кўраётган вақтда ишимизни чуқур таҳлил қилиб, олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун аниқ тадбирларни белгиламоқдамиз. Коммунистларнинг принципиал ва юксак талабчанликка асосланган муҳокамалари комиссия ишини янада яхшилаш, унинг эътиборини тажриба-экспериментал заводи қувватини ўзлаштиришдаги ҳал қилинмаган масалаларга жалб қилади.

Йиғилиш қарори — ҳаракат программаси

Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трести 2505-автоколонна партия ташкилотининг секретари М. ҲАКИМОВ ҳикоя қилади.

Партия ташкилоти секретарининг ҳисоботи якунланди, коммунистлар музокарада қатнашиб ўз мулоҳазаларини билдиришди. Ана шундан кейин, йиғилишнинг энг масъулиятли дақиқаси — қарор қабул қилиш бошланади. Бу қарор қанчалик аниқ бўлса навбатдаги даврда партия ташкилоти фаолиятининг барча қирраларини ўз ичига жамлаб олса коллективнинг бутун йил давомида қилган меҳнати самарали бўлади.

Июль ойида бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишини кўз олдимга келтирдим. Коммунистлар, партиясизлар коллективнинг куз ва қишга тайёргарлик кўриши ҳақида жуда кўп фикрлар билдиришди. Сўз навбатини автопоезд ҳайдовчиси, КПСС аъзоси В. Лукьянов олди. Вадим Алексеевич автоколоннамизда деярли 16 йилдан бери меҳнат қилмоқда. Юксак малакали ҳайдовчи, бирон марта ҳам меҳнат интизомини бузмаган. Шунингдек, бирон марта ҳам тасодифга сабаб бўлмаган. У шундай деди:

— Куз ва қишда автотранспортда ёнилғи сарфи кўпаяди. Ёнилғини тежаш асосан машина ишга қандай даражада тайёрланганлигига боғлиқ. Мен биринчи класс ҳайдовчиларининг ҳаммасини ўз автомобилларини қийин шароитда ишлашга ҳозирлашларини таклиф қиламан.

Бу таклиф ҳамма томонидан маъқулланди.

Автоколоннамиз партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлишига бир ой қолганида бу воқеани мен бекорга эслаганим йўқ. Ҳозир партия комиссияси қарор лойиҳасини тайёрлашга киришди. Бу қарор бутун партия ташкилоти учун ҳаракат программаси бўлади. КПСС XXVI съезди томонидан кун тартибига қўйилган тежамкорлик масалалари ундан муносиб ўрин олиши керак.

Партия бюросида комиссия составини муҳокама қилар экан, ишга тажрибали, одамларнинг ҳурматига сазовор бўлган кишилар сайланиши лозимлигини ҳисобга олдик. Ахир комиссия партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилиши қарорининг лойиҳасини тайёрлайди. Жиддий муҳокама қилингандан кейин партия комиссияси состави беш кишидан иборат қилиб сайланди. Партия бюросининг секретари, шунингдек партия группаси ташкилотчиси, Ўзбекистон Компартияси Киров район комитетининг аъзоси Л. Бадалов, халқ контроли группасининг раиси А. Гомзн, колонна механиги, партия бюросининг аъзоси, ичкилибозлик ва алкоголизмга қарши кураш комиссиясининг раиси Ғ. Нўлдошев, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги инженери, партия бюросининг аъзоси И. Андреевлар комиссияга сайланишди. Комиссия олдида партия ташкилоти, бутун автоколонна коллективи ишини йўналтириш вазифаси турибди.

Нимага алоҳида эътибор бериш керак, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун яна нималар қилиш керак? Комиссиянинг биринчи йиғилишида ана шулар ҳақида баҳслашилди. Коллективнинг бутун кучғайратини давлат планини бажаришга сафарбар этиш лозимлиги кўрсатилди. Планимиз жуда тиғиз. Автоколонна коллективи етти ойлик планни барча кўрсаткичлар бўйича бажарган бўлишига қарамасдан йил охиригача қадар яна кўп вазифаларни бажаришимиз керак. Айрим рақамларни келтирайлик: планга қўшимча 2,5 минг тонна халқ хўжалиги юклари ташилиши керак.

Яна бир муҳим вазифа — учюзмингинчилар ҳаракатини ривожлантиришдир. Марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трести 2502-автоколоннаси коллективи бошлаб берган капитал ремонтсиз уч юз минг километр йўл босиш ташаббусига биз биринчилардан бўлиб қўшилган эдик. Ҳозир М. Орипов, Н. Колдузов, П. Андреев, А. Ирчаев сингари машҳур ҳайдовчилар бошқараётган машиналар 300 минг километр йўл босиб қўйган. Улар янги марралар, капитал ремонтсиз 400—500 минг километр йўл босиш сари ҳаракат қилишмоқда.

Биринчи суҳбатимиз жуда жиддий ва амалий бўлди. Жуда кўп таклиф ва мулоҳазалар айтилди. Бунга меҳнат интизоми, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилиш масалаларини киритиш мумкин. Машиналар рулини бошқараётган кишилар бу қоидаларга қатъий амал қилишлари лозим. Фақат техникангигина эмас ўз ҳаётн, бошқаларнинг ҳаёти ҳам уларнинг қўлида. Кейинги вақтда партия ташкилоти меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун жуда кўп ишларни амалга оширди. Шунга қарамасдан, интизомни бузиш ҳоллари бўлиб турибди. Бундай тартиб бузарларга қарши курашиш керак. Маънавий, сиёсий-тарбиявий ишлар билан боғлиқ масалаларнинг ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Ҳисобот-сайлов йиғилишига қадар биз жуда кўп масалаларни ҳал қилишимиз, дастлабки қарор нусхасига ўзгартиришлар киритишимиз керак. Йиғилишда коммунистлар, партиясизлар таклиф қилган мулоҳазаларни ҳисобга олишимиз керак. Ҳозирдаёқ коммунистлар олдимизга келиб партия йиғилишида қандай масалалар ҳал қилиниши билан қизиқишаяпти, таклиф ва мулоҳазаларни айтишмоқда.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Энг муҳими шундаки, йиғилишда коммунистлар айтган мулоҳазалар, киритган қўшимчалар билан тўлдирилган қарор фақат ҳужжатгина бўлиб қолмасдан, келажакда амалга оширадиган ишларимизнинг программаси бўлиб қолади.

Ҳар бир таклиф ва эътироз ўз вақтида ҳал қилинсин

23-поликлиника партия ташкилотининг секретари Н. ЗАХАРОВА ҳикоя қилади.

Поликлиника партия ташкилоти ҳисобида ўн бир коммунист бор. Шунга қарамасдан жуда кўп актуал масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишга тўғри келади. Ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишидан кейинги даврда 10 марта очиқ партия йиғилиши ўтказилди. Уларда партия ташкилотининг олдида турган медицина хизмати маданиятини яхшилаш ва сифатини ошириш, маънавий, меҳнат тарбияси сингари муҳим масалалар ҳал қилинди.

Коммунистлар айрим кишилар томонидан меҳнат интизомининг бузилаётганини қаттиқ танқид қилишди. Ҳар бир участка, бўлимна ва кабинетнинг ишлари чуқур таҳлил қилинди. Ўз-ўзидан маълумки, масаланинг бундай қўйилиши кўпгина танқидий фикр ва мулоҳазаларга олиб келди. Уларнинг ҳаммасида ишни янада яхшилаш кераклиги мужассамланган. Табиийки, бу партия ташкилотидан уларга синчковлик билан қараш, фақат коммунистларинггина эмас, партиясиларнинг ҳам танқидий фикрларини ҳисобга олиш ва ҳал қилишни талаб қилди.

Ана шундан кейин партия ташкилотида бу йўналишдаги ишни аста-секин яхшилаш тажрибаси тўпланди. Барча танқидий фикрлар дарҳол назоратга олинади, журналга ёзиб қўйилади, уларни бажариш учун жавобгар кишилар ва бажариш муддати белгиланади. Партия йиғилиши қарори билан ижро муддати ва ижро учун жавобгар кишини тасдиқлашодат бўлиб қолди. Жумладан, рўйхатга олиш тўғрисида кўпгина танқидий фикрлар билдирилган эди. Партия ташкилотининг 1982 йил 12 февралда бўлган йиғилиши қарори билан рўйхатга олишни назорат қилиш коммунист Г. Пугачёвага топширилди. Ана шундан кейин ишда жиддий ўзгариш бўлди. Қабулга аввалдан ёзиб қўйиш, талонлар бериш, амбулатория карталарини расмийлаштиришда тартиб ўрнатилди.

Яна бир мисол. Партия йиғилишларидан бирида халқ контроли группасининг текширувлари масаласи кўриб чиқилди. Учта терапия участка, невропатолог ва хирургнинг ишларида жиддий камчиликлар борлиги очиб ташланди.

Поликлиника бош врачи, коммунист А. Қосимов, бўлим мудири З. Набихонова-га қолоқ участка ва кабинетларнинг ишини алоҳида назорат қилиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериш топширилди. Орадан кўп ўтмасдан бу иш ўз самарасини бера бошлади.

Йиғилишларда 26 танқидий фикр ва мулоҳаза билдирилди. Асосан поликлиника ишини яхшилаш бўйича таклифлар киритилди.

Партия ташкилотининг навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар ишни чуқур таҳлил қилишади. Янги марраларни белгилаб оладилар. Ҳисобот докладида коммунистлар томонидан билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазалар бўйича амалга оширилган ишлар ҳам ўз ифодасини топади. Бу нарса бизга ҳар бир коммунистнинг таклифини ўз вақтида ҳисобга олиш ва уни ҳал қилишимизга ёрдам беради.

Узбекистон энергетика ва автоматлаштириш илмий-тадқиқот институтида энергетика системаларини автоматик бошқариш, янги зоналарда юқори вольтли электр линияларини ўтказиш, янги типдаги электр изоляторларни ўрганиш билан боғлиқ кенг кўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

СУРАТДА: электр станцияларни бошқариш секторининг мудири Ю. Журавлёв ва эксплуатация группасининг раҳбари И. Шадрин тажриба ўтказишяпти.

В. Сиротнин фотоси.

АКАДЕМИК ТЕАТР МАВСУМНИ БОШЛАДИ

Ҳамза номидаги Давлат академик драма театри «Бой ила хизматчи» пьесасини бир минг бир юз марта кўрсатиш билан ўз мавсумини бошлади. Театрнинг бош режиссёри Баҳодир Иўлдошев саҳна ветеранлари Шукур Бурхонов ва Саъдихон Табибуллаева билан ҳамкорликда ўзбек совет адабиёти классигининг ана шу асарини янгидан саҳналаштирди.

Театр СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги санасида томошабинларни ҳозирги замон драматургларининг совет кишиси юксак маънавий дунёсини акс эттирадиган, меҳнатни тараннум этадиган, ахлоқий проблемаларни кўтариб чиқадиган асарлари билан таништиради.

Энг кекса театр саҳнасида чет эл тараққийпарвар драматургияси, рус классикларининг асарлари ҳам ўз мужассам ифодасини топади.

Театр ёшлари кекса авлод усталари билан биргаликда бадиий изланиш ва юксак ғоявийлик шонли эстафетасини давом эттириб, мавсумда қўйиладиган барча спектакларда қатнашадилар.

• ИНСТИТУТ ВА КАШФИЁТ

БИЛИМНИ БАҲОЛОВЧИ ҚУРИЛМА

«Ақлли» машина студентлар билимини баҳолайди». «Ўқитувчи-студент» модели катта аудиториялар да «фаолият» кўрсатади. «Ёшларнинг техника ижоркорлигини ўстиришда электрон-ҳисоблаш машиналари кўл келади» деган иборалар тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди.

Илмий-техника тараққиёти кенг кўламда ривожланаётган бир вақтда кибернетика олий ўқув юртларида ҳам ўзига яшил йўл топди.

Инженер кадрларнинг йирик ўчоғига айланган Тошкент политехника институти ўқув-тарбия жараёнида амалга оширилган қатор техникавий янгиликлар ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Ўқув жараёнига жорий этилган техника воситалари ҳамда таълимнинг янги методлари бу олий ўқув юртида лекция ва амалий машғулотларнинг янада мазмунли ҳамда қизиқарли бўлишини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Ҳозирги замон ўқитиш методикасининг асосларидан бири сифатида кибернетик принципларга асосланган янги хил моделлар ҳам яратилди. П. Исматуллаев бошчилигида кашф қилинган «СУОК—1» типидаги қурилма ҳам муҳим тадқиқот объекти сифатида ижобий баҳо олди.

Студентларни ўқитиш ва уларнинг билимини назорат қилиш мақсадида яратилган бу қурилма қатор афзалликларга эга. «СУОК—1» ёрдамида махсус программаларга асосланган автоматлаштирилган назоратнинг дидактик масалалари ишлаб чиқилди ҳамда студентларнинг турли фанлардан индивидуал жавоблари умумлаштирилади ва баҳоланади.

Кибернетик принцип бўйича иш кўрадиган янги моделдан катта аудиторияларда имтиҳон олиш жараёнида ҳам кенг фойдаланилади. «Ақлли» машина студентларнинг жавобларни методик жиҳатдан тўғри ва аниқ баҳолашда ўқитувчига яқиндан ёрдам беради. Ана шу жараёнда вақт кўп тежалади. Қисқаси, «СУОК—1» қурилмаси ўзлаштирилган билимлар программаси билан студентлар ўртасида алоқа воситаси вазифасини ўтайди.

— Янги қурилма жуда ихчам тузилган, — дейди доцент П. Исматуллаев, — уни ясаш учун оз миқдорда металл қалинлиги, холос. «Ақлли» машина асосан жавоблари аниқлаш блокидан, жавоблар вариантлари коммутаторидан, савол-жавоблар кодларидан, савол-жавобларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини акс эттирувчи счётчиклардан ҳамда баҳо ва индукция блоклари, шунингдек, ўқитувчи томонидан бошқариладиган пультдан иборатдир.

«СУОК —1» «имтиҳон» ва «ўқитиш»дан иборат икки режимда «фаолият» кўрсатади. Бу ҳол студентлар билимини назорат қилиш бўйича автоматлаштирилган аудиториялардан фойдаланиш имконини беради. Шу сабабли ҳам институтда автоматлаштирилган синфларни ташкил этишга киришилди. Шунингдек, «СПО—1» типида программаштирилган ўқитиш бўйича тажриба-намуна стенди тайёрланди. Бундай методик таъсиримонами барча техник фанларга тадбиқ этиш мумкин.

Институт миқёсида юзага келган бу тадқиқот мутахассислар орасида катта қизиқиш уйготди. Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитетига қарашли ўқув лабораторияларида ҳам «СУОК —1» муваффақиятли синаб кўрилди.

Олмаота энергетика институтида, Олмалиқ кон-металлургия техникумида ўтказилган тажрибалар ҳам ижобий якунланди. Эндиликда мазкур қурилмадан Душанба, Ашхобод, Фрунзе шаҳаридаги қатор олий ўқув юртларида ҳам фойдаланиш тадбирлари кўрилмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги метод кенгаши ўқитиш техника воситалари секцияси ҳам Тошкент политехника институти олимларининг бу ижод намунасини маъқуллади. Тошкент Давлат университети илмий совети «СУОК —1»ни студентлар билимини баҳолашнинг истиқболли техника воситаси деб юқори баҳолади.

«Ақлли» машина Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг «Ихтирочи ва рационализаторлар таклифлари» тематик экспозициясида энг яхши экспонат сифатида намойиш қилинди. Кейинчалик ихтирочилар ва рационализаторлар Бутунитти фоқ жамияти мукофотига сазовор бўлди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кибернетика тажриба-намуна заводида қурилманинг дастлабки туркуми ишлаб чиқарилган эди. Яқин келгусида у саноат асосида кўп нусхада тайёрланади ва жойларга юборилади. Натижада Ўрта Осиё республикаларидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ана шу қурилма билан тўла таъминланади.

А. АЛИЕВ.

ИЛМ-ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Икки ёқлама самара

Мутахассисларнинг айтишларича, бўз ердаги «Россия» совхозининг шолипояларида яхши ҳосил тўпланган. Холбуки, шу ёш шоликорлар ғоятда сув тақчил шароитларда ишладилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали табиат фанлари комплекси билан Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институтининг олимлари шолипояни қурғоқчиликдан қутқариб қолишда ёрдам бердилар.

Олимлар шолипояларни суғориш учун коллектор дренаж сувидан фойдаланиш имкониятини асосладилар — суғориш муддатлари ва режимини дренаж суви билан дарё сувини аралаштириш тенг мақбул нисбатини белгилаб бердилар. Ташланадиган сув таркибида бўлган 2,2 граммгача туз шоли ҳосилдорлигига таъсир кўрсатмаслигин, коллектор суви чучук сув билан аралаштирилганда эса тупроқнинг зарарли тузлар билан тез тўйиниш ҳавфи ҳам тез аниқланди.

Қорақалпоғистонинг ихтисослаштирилган шоликор совхозларида 220 насос установка монтаж қилинди ва улар далаларга 60 миллион кубметрдан зиёд коллектор сувини чиқазди. Сувсизликдан қутқариб қолинган шолипоялардан камида 10 минг тонна шоли олиш мўлжалланади.

[ЎзТАГ].

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРАДИЛАР

КООПЕРАЦИЯ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ДОРУС-САЛОМ. Танзания деҳқонларини кооперациялаш жараёни муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу жараён республика ҳукумати аграр сиёсатининг асосидир. Мамлакатнинг марказий қисмига жойлашган Иринга областида тупроқ ва иқлим шароитлари қулай бўлганлиги туфайли маккажўхори, буғдой, кофе ва тамаки яхши етиштирилмоқда.

Танзания революцион партияси ва ҳукуматининг даъватига биноан область деҳқонлари «Ужамоа»— коллектив меҳнат қишлоқларига бирлашиш ҳаракатига актив қўшилдилар ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ривожлантиришда каттагина муваффақиятларга эришдилар. Ҳозир мамлакатда 8,2 мингдан кўпроқ ана шундай қишлоқ бор. Улардан кўпчилиги ўзининг сув таъминот системасига эга, у ерларда бошланғич мактаблар, амбулаториялар ва кооператив магазинлар қурилган.

Иринга қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ташаббуси бутун мамлакатда қўллаб-қувватланмоқда.

С. СОКОЛОВ.

ЗЎР ҚИЗИҚИШ

КАТМАНДУ. Катмандудаги совет маданияти уйи ҳузуридаги рус тили курсларида тантанали равишда машғулотлар бошланди. Машғулотларга биринчи курсдан учинчи курсгача бўлган ўқувчилар —жами салкам 400 киши тўпланди. Улардан ярми биринчи курс студентларидир.

Бу йил янги ўқув хоналари очилганлиги туфайли курсларга кўпроқ тингловчилар қабул қилинмоқда. Ҳозирги вақтда Непалдаги бир қанча мактаблар программасига ҳам рус ва совет классикларининг асарлари киритилган.

Яқинда бир группа непаллик студентлар ўқиш учун Совет Иттифоқига жўнаб кетди. Улар ҳам совет маданияти уйи ҳузуридаги рус тили курсларини тамомлаб чиққан ёшлардир. Айни вақтда совет олий ўқув юртларини тамомлаб, ҳозирги вақтда турли муассасалар ва корхоналарда ишлаётган ва Непал миллий экономикасини ривожлантиришга ҳисса қўшаётган непаллик 500 кишининг ҳам кўпчилиги Катмандудаги рус тили курсларида ўқиган.

ВСР. «Ўрмон— бизнинг бойлигимиз» — Вьетнамда анъанавий умумхалқ «кўкаламзорлаштириш байрамлари» ана шундай шиор остида ўтади. Ана шундай кампаниялар натижасида мамлакатда икки миллионга яқин дарахт ўтказилди. Ўтган беш йилликда Вьетнамда 560 гектардан зиёд ўрмон массивларига асос солинди.

СУРАТДА: Хатуен вилоятидаги пальмазорда.

ТАСС фотохроникаси.

ШВЕЦИЯ САЙЛОВ АРАФАСИДА

СТОКГОЛЬМ. Швециялик сайловчиларни мамлакат риксдаги (парламенти) га 19 сентябрда ўтказиладиган навбатдаги сайлов арафасида тинчликни ва халқаро хавфсизликни сақлаб қолиш, ядро қаролари хавфини бартараф этиш масалалари, шунингдек Швециядаги тобора мушкуллашиб бораётган иқтисодий аҳвол проблемалари ҳаммадан кўра кўпроқ ташвишлантирмоқда. Жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижаларини таҳлил этувчи бошқарма ўтказган ва Швеция матбуотида эълон қилинган тадқиқотлар натижалари ана шундан яққол далолат беради.

Ҳозирги вақтда мамлакат сайловчиларининг 75 проценти ядровий қуролсизланишга бағишланган музокараларни ер юзида мустаҳкам тинчликка эришишнинг энг муҳим воситаси деб билмоқдалар. Улар Европа шимолида ядросиз зона вужудга келтириш ва бутун Европа қитъасини ядро қуролидан ҳоли бўлган регионга айлантириш тўғрисидаги талабларни қўллаб-қувватлам о қ д а лар.

Мамлакатнинг ички иқтисодий аҳволи масалалари ва энг аввало ишсизлар тинмай кўпаяётганлиги, нархнаво ошаётганлиги ва молиявий номутаносибликлар кескинлашаётганлиги, деб таъкидлайди «Дагенс нюхетер» газетаси, шведларни ғоят ташвишга солмоқда. Матбуотнинг маълум қилишича, Швеция саноатида 1976 йилдан бери 160 мингта иш ўрни тугатилди. Сўнгги олти йил ичида мамлакатда нарх-наво ўрта ҳисобда 80 процент ошди, тўлов балансининг номомадлиги эса ҳозирги вақтда салкам 18 миллиард Швеция кронини ташкил этади.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

ХАНОЙ. Хайфондаги авторемонт корхонасининг меҳнаткашлари Вьетнамнинг шимолий вилоятларидаги тоғ йўлларида пассажир ташиш учун мўлжалланган микроавтобуслар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Республикадаги илмий-тадқиқот институтларидан бирининг коллективи томонидан яратилган янги машина 15 пассажирни ташиш учун мўлжаллангандир. Вьетнамнинг шимолий вилоятларидаги транспорт корхоналарининг ходимлари автобуснинг юриш сифатига юксак баҳо бермоқдалар.

* * *

ЙОЭНСУ (Финляндия). Араб халқлари билан дўстлик Финляндия жамияти маҳаллий бўлимининг ташаббуси билан бу ерда фаластинлик араб халқи билан бирдамлик шаҳар ташкилотини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Фин врачи Пирко Парвиайнен Фаластин халқини қўллаб-қувватлаш юзасидан Йоэнсуда бўлиб ўтган митингда нутқ сўзлаб, Исроил ҳарбийларини минг-минглаб бегуноҳ одамларнинг ҳалок бўлишида, Ливан шаҳарларига қароқчиларча ҳужум қилишда ва фаластинлик қочоқларнинг лагерларини яксон қилиб юборишда айблади. П. Парвиайнен Сайда шаҳри яқинидаги фаластинлик қочоқлар лагерларидан бирида ишлаб, июнь ойининг охирида Финляндияга қайтиб келган эди.

Фин врачи исроиллик солдатлар Ливаннинг тинч аҳолисига азоб берганликлари ва таҳқирлганликлари ҳақида митингга тўпланган кишиларга гапириб берди.

* * *

КАНБЕРРА. Янги Зеландия аҳолиси уй-жой тақчиллигидан ниҳоятда қийналмоқда. Миллий уй-жой комиссияси ўтказган тадқиқот маълумотларига кўра, мамлакатнинг асосий саноат марказларидан бири — Окленд шаҳрида уй-жой проблемаси айниқса нескин бўлиб қолмоқда. Ўтган молия йилида шаҳарда давлат йўли билан атиги 96 та квартира қурилган эди. Бошпанасиз кишилар гаражларда яшашга, ташлаб кетилган уйлардан фойдаланишга мажбур бўлмоқдалар.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Т. ХОЛМАТОВ: Корхона маъмурияти ишчи ишга прогул қилганлиги учун унга ҳам интизомий жазо чораси қўллаши, ҳам уни мукофотдан маҳрум этиши мумкинми?

Жавоб: Ишчи ва хизматчиларни мукофотлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ мукофотлар бериладиган вақт мобайнида узрли сабабсиз ишга прогул қилган шахслар мукофотдан тўлалигича ёки қисман маҳрум қилинадилар. Шуни таъкидлаш керакки, ишга прогул қилган ишчига интизомий жазо чораси берилган бўлса, бундай ҳолларда уни ишлаб чиқаришда эришган ютуқлари эвазига бериладиган мукофотдан ҳам маҳрум қилиш мумкин.

* * *

Д. НИШОНОВ: Айтингчи, қандай ҳолларда ходимларга ишдан бўшатиш нафақаси тўланади?

Жавоб: Меҳнат қонунлари асосларининг 19-моддасига, иттифоқдош республикаларининг меҳнат қонунлари кодексининг тегишли моддаларига биноан қуйидаги ҳолларда икки ҳафталик ўртача иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланади: а) ходим ҳарбий хизматга чақирилган ёки ўтганда; б) ходим корхона, муассаса билан бирга бошқа жойга кўчишни истамаганда; в) корхона, муассаса тугатилганда, ходимлар сони ёки штати қисқартирилганда; г) ишчи ёки хизматчининг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки бетоблиги натижасида унинг эгаллаб турган вазифасига ёки бажариб турган ишига нолойиқлиги аниқланганда; д) ишни илгари бажариб келган ишчи ёки хизматчи шу ишига қайта тикланганда. Шунингдек, ишдан бўшатиш нафақаси маъмурият меҳнат қонунларини, коллектив шартномани ёки меҳнат шартномасини бузганлиги натижасида муддатли меҳнат шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда ҳам тўланади.

Муайян шароитда баъзи бир категориялардаги ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган айрим ҳолларда ҳам, масалан, аттестация натижаларига кўра ишдан бўшатилган кишиларга ҳам ишдан бўшатиш нафақаси тўланади. Касаба союзи органларида сайланадиган вазифаларни эгаллаб турган касаба союзи ходимларига сайланиб бажариладиган иш тамом бўлганидан кейин янгидан сайланган касаба союзи органининг қарори билан ишдан бўшатиш нафақаси тўланади. Ходимлар ўриндошлик йўли билан эгаллаб турган вазифасидан бўшатилганда (бўшатиш сабабларидан қатъий назар) ишдан бўшатиш нафақаси тўланмайди. Ишдан бўшатиш нафақаси тўлаш ўрнига ходимни яқин орада ишдан бўшатилиши тўғрисида олдиндан огоҳлантириб қўйиш мумкин эмас. (1971 йилгача муайян ҳолларда бунга йўл қўйилган эди).

* * *

Б. ҚОДИРОВ: Мен археологияга қизиқаман. Эшитишимча мамлакатимизда ана шу тармоқни атрофлича ёритадиган журнал чоп этилар экан. Шу журнали қайси институт чоп этади, у бир йилда неча марта нашрдан чиқади? Шулар ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: СССР Фанлар академиясининг археология институти томонидан «Советская археология» журнали чоп этиб келинади. Бу журналнинг бир йилда тўртта сони нашрдан чиқарилади. «Советская археология» журнали саҳифаларида археология бўйича ранг-баранг мақолалар босилади.

29 АСР ИЛГАРИ ЯСАЛГАН

Ерқўрғон Шаҳристонини қазиётганда топилган янги нарсалар республика Фанлар академияси археология институтининг олимлари ҳозирги Қарши шаҳрининг салафи —кўҳна Навтакнинг ёшини белгилашда ёрдам берди. Улар илк маданият марказидаги бир неча кўчани кўп асрлик ер тупроғидан очиб, ҳайвонлар ва ўсимликлар тасвири туширилган кўпдан-кўп сопол идиш асбобларга дуч келдилар.

Археологларни и н г тахминларига кўра, бу ерда кулоллар маҳалласи жойлашган. Сопол идишлар лабораторияда анализ қилиб кўрилганида улар бундан 2900 йил аввал ясалганлиги маълум бўлди.

(ЎзТАГ).

Суд очерки

ХАВФЛИ ТАНИШЛАР

Ҳаётимиз тўкин, дастурхонимиз бут, турмушимиз тобора фаровонлашиб боряпти. Жамиятимиз учун ёт бўлган нарсалар таг-томири билан қўпориб ташланмоқда, ёки ўз-ўзидан чириб йўқ бўляпти. Лекин аҳён-аҳёнда «Тўқликка-шўхлик» қилиб, ҳаётимизга доғ тушурувчи кимсалар ҳам учраб туради. Биз қуйида ҳикоя қилмоқчи бўлганларнинг ҳам етти мучали соғ-саломат, ҳеч кимдан камчилик жойи йўқ. Лекин уларнинг бўйни фойдали меҳнатга дов бермайди. Ҳеч қаерда ишламай текин йўл билан пул топишга, ўзгалар меҳнати ҳисобига яшашга ўрганиб қолишган. Текинтомоқлар сўзсиз маишатга, ичкиликбозликка берилган нафс бандаларидир. Маишат, ичкиликбозлик кўчасига кирган бундай кишилардан эзгулик кутиб бўлмайди. Нафс бандалари жирканч ишларга қўл уришга тайёр турадилар, маишат, ичкилик учун ҳеч нарсадан тап тортмайдилар.

«Чақирилмаган меҳмонлар»

...Шаҳар одатдагидек уйғоқ. Кўчалар гавжум, кўпчилик ишда. Лекин сокин квартал ва маҳаллаларнинг тинчи бузилди қолди. Куппа-кундузи нотаниш шарпалар шаҳарнинг гоҳ у бурчагида, гоҳ бу бурчагида пайдо бўлишиб, кимсасиз қолган хонадонларни «шип-шийдом» қилиб кетадиган бўлиб қолишди.

— Ҳой, овсин эшитдингизми, бугун куппа-кундузи қўшнимизнинг квартирасини тунаб кетишибди.

— Вой, ҳалигина шу ерда бир совуқ башарани кўрувдим-а, ўша бўлмасин тағин...

— Нимасини олибди?

— Ҳеч балоси қолмабди. Гилами-ю биллургача, магнитофон-у, рангли телевизоригача олиб кетибди...

Қўни-қўшниларни и н г бундай гап-сўзлари тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Ун саккиз кишидан иборат ўғрилар группаси жуда усталик билан иш кўрарди. Улар совуқ қурол ва турли ниқоблардан фойдаланишарди.

Одатдагидек, ўғрилар «шеф»и А. Осипов шериклари З. Барковский, В. Милючев ва А. Соловьевларни ўз «қароргоҳи»га чақирди:

— Гап бор деди, — бошлиқ ҳамтовоқларига чап кўзини қисиб. —Соловьевнинг айтишича, у билан 5-таксопаркда ишлайдиган Г. Попов деган «бойвачча» таниши бормиш. Соловьев уникида бўлганда жиҳозларини кўриб кўзининг пахтаси чиқаёзибди. «Разведка»мизнинг маълумотига қараганда бугун уйида ҳеч ким йўқ экан. Қани кетдик. Уникига борамиз.

Улар А. Соловьев бошқараётган 5-таксомотор паркига қарашли 85—73 ТНЗ номерли ГАЗ—24 «Волга» машинасига ўтиришди. Бикинига шахмат катакчалари туширилган машина тезда Г. Попов яшайдиган 2-Қорасув массивидаги 40-уйга етиб келди.

— Ҳув анави подъездаги 42-квартира Поповники, — дея ишора қилди Соловьев уй томон. — Бемалол боравергинглар. Мен сизларни машинада кутиб тураман. Япон магнитофони эсингларданг чиқмасин. Унга жуда ҳавасим келган эди...

Шарпалар бир зумда уй йўлагида пайдо бўлдилар. Соловьев бўлса такси эшигини очиб қўйиб, хотиржам «мижоз»ка кута бошлади.

Қулф бузишнинг устаси бўлиб кетган А. Осипов бир зумда Поповнинг эшигини «тинчитди». В. Барковский ва Ю. Милючевлар хонага ўқдек отилиб киришди. Бироқ улар иччарида кутилмаган мезбонга дуч келдилар. Буни кутмаган ўғрилар ҳам бир зум довдираб қолишди. Уз навбатида ҳали балоғатга етмаган 15 ёшли С. Попов ҳам чақирилмаган меҳмонларнинг турқи-тароватини кўриб эс-ҳушидан озаёзди. Осипов кўлида ялтираган болтасини, Барковский эса бир қарич келадиган ўткир тиғли пичоғини пишкирганича гўдак болага ўқталди:

— Қани, жонингдан умдинг бўлса шкафга кир, болакай. Акс ҳолда...

Улар болани турткилаб-суруткилаб шифонерга қамаб қўйдилар. Ўғрилар бир зумда тинчгина ташиб кетишди. Уйдаги жиҳозларни кўриб кўзлари чақнай бошлади. Кўзларига нима яхши кўринса, шуни ола бошладилар. Биринчи навбатда Японияда тайёрланган 2.600 сўмлик магнитофонни, 702 сўмлик «Мелодия— 106» магнитоласини ва бошқа қимматбаҳо буюмларни олишди. Жами Г. Поповнинг уйидан 3.668 сўмлик буюмларни ўмаришди.

Пастда ҳамтовоқларининг бироз кечиккандан безовталаниб турган Соловьев уларнинг юк билан чиқаётганликларини кўриб тиржайиб кўйди. Такси «мижозлар»ни олгач, худди қутурган туядек пишкиргнича жойидан қўзғалди...

Ўғрилар шу куни «ўлжа»ни тинчитдилар

Текин пул ҳисобига бўлган яхшигина маишатдан сўнг Осипов иккинчи «операция» планини ўртага ташлади:

— 2-Шимоли-Шарқ массивидаги 71-уйнинг 1-квартирасида С. Тугова деган кимса яшайди. Билишимча, топиш-тутиши тузук экан. Шомда иш бошлаймиз..

Қош қорайиши билан бу операция ҳам усталик билан амалга оширилди. Кечқурун ишдан қайтиб келган. С. Тугова уйига кириб ҳангу-манг бўлиб қолди. Шинам квартира худди эгаси кўчиб кетгандек ҳувиллаб қолган эди. Ораданбир кун ўтмай Киров районининг Шаҳристон кўчасидаги 83-«а» уйнинг 56-квартирасида истиқомат қилувчи гражданка Л. Моляренко ҳам шундай аҳволга тушди.

— Эндигина эшикка яқинлашганимни биламан,— дея ҳикоя қиладиу, — ичкаридан уч киши отилиб чиқиб, томоғимдан ҳиппа бўғишди. Қўрқканимдан дамим чиқмай қолди. «Овозингни чиқарсанг ўласан» деган товушдан эс-ҳушимни йўқотдим. Улар мендан ҳонадаги қимматбаҳо буюмларимни ўз қўлим билан олиб беришимни талаб қилишди...

Ниқобли ўғриларнинг фаолияти «жадаллашиб» борарди. Улар куппа-кундузи ҳамшаҳарларимизнинг квартираларида йўқлигидан фойдаланишиб, уйларини шиппийдом қилиб кетардилар. Кечқурунлари эса ресторанларда ўтиришиб, «бойвачча»ларни қидиришар, улар билан «умумий тил» топишишга ҳаракат қилишар, бир умрлик қадрдон бўлиб қолиш учун қадаҳ кўтаришар, уларнинг топиш-тутишини ўрганишар, бордикелди қилишга ваъда беришар эди. Агар у рози бўлса эртасигаёқ меҳмонга боришларини изҳор этишарди. Меҳмонда бўлишгач, орадан бир-икки кун ўтар-ўтмас «таниш» уй эгалари уйининг шип-шийдомлигидан ҳангу-манг бўлиб қолаверарди.

Кун сайин ўғрилик билан тўпланаётган бойлик нафс бандаларини кутиртирарди. Улар энди кунига бир эмас, икки «квартира операциясин»ни амалга оширадиган бўлишди. Энди улар очиқдан-очиқ ҳаракат қилишарди.

Тунлари ресторанларда маишат қилишар экан лақма, содда кишиларга ўзларини ҳамма нарсанинг уста-франгиқилиб кўрсатар, керак бўлса барча масалаларда ҳар қачон ёрдамга тайёр эканлигини айтардилар, Одатдагидек, ресторандан чиқилгач Осипов навбатдаги «квартира операция»си плани тузиларди.

Бир куни Осипов В. Булгаковни олдига чақирди.

— Отангнинг машинасини олиб, эрталаб шу ерга етиб кел. Анчадан буён Чилонзор томонга ўтмай қўйдик. Бир чилонзорликларнинг ҳам юрагига ғулғула солиб қўяйлик.

Ўғрилар «боплаймиз» дегандек беўхшов кулишди.

Айтилган пайтда В. Булгаков бошқарган 84—30 ТНК номерли «Жигули» автомашинаси Осипов «қароргоҳи» остонасида пайдо бўлди.

— Қани чиқларинг, — деди шеф А. Присяжников билан А. Шибаевга буйруқ оҳангида. Мен билан сенлар борасан.

«Жигули» бир зумда Энгельс кўчасидаги машиналар оқимини ёриб ўтиб, Юнусобод массивининг Б—1 кварталидаги 51-уй ёнига келиб тўхтади. Осипов Булгаковга тушунтирди:

— Машинани қулай жойга қўйиб, шай бўлиб тур.

Бир зумда икки шарпа поъездга етиб келди. Ярим минут ўтмай қулф «пиқ» этиб очилди. Бир зумда гражданка Г. И. Шаповаловнинг квартираси бўм-бўш бўлиб қолди.

Шу куни иккинчи операция ҳам амалга оширилди. Эрталабки операцияда икки ҳамтовоқи ўзларини «кўнгилдагидек» тутмаганлиги учун бу сафар шеф А. Кузжонов билан В. Барковскийни ўзи билан олди.

Чилонзорнинг 23-квартали, 51-уйнинг 23-квартирасига етиб келишганда, Осипов шерикларига шипшиди:

— Айтишларича, уй бекаси тез-тез квартирасидан хабар олиб турармиш. Мабодо уйда бўлса дамини чиқармаларинг. Уша эски усул...

Ҳамтовоқлари калла қимирлатиб «тушундик» деган ишора қилишди. Эшикнинг тарақ-туруқ очилганидан уй эгаси А. С. Кашницкая ва унинг қизи Марина ҳамда меҳмони Лисенконинг ўтакаси ёрилай дедиди. Қўрқканидан улар худди сувга тушган мушукдек жимиб қолишди. Юзларига аёлларнинг пайпоғини (чулкисини) кийиб олган ўғриларнинг қўлида ялтираган болта ва пичоқларни кўриб мезбонлар дағ-дағ титрарди. Бунинг устигаустак Осипов уларга дўқ қилди:

— Ғинг десаларинг, каллаларингни сапчадек узиб ташлаймиз. Тушундиларингми?

Ўғрилар уй эгасидан жавоб ҳам кутиб ўтирмай, уларнинг бармоқларидаги узукларини, қулоқларидаги зираклариии юлиб олишди. Бу уйдан жами 700 сўмлик молни олишиб, «қуён» бўлишди.

Бундай разиликка қўл урган ўғрилар эрта-индин тишлари тошга тегишини бутунлай унутган эдилар. Улар ҳеч нарсадан кўрқмас, «пулинг бўлса— чангалда шўрва» деган қабилда иш тутардилар.

Шаҳар милиция органлари қошида тузилган оператив группа эрта-юкеч ишлар эди. Улар ҳар бир изни ўрганишга, содир этилган ўғриликни синчиклаб анализ қилишга киришган эдилар. Текширишлар натижаси шаҳардаги ўғрилик ларни фақат битта группа амалга ошираётганлиги тезда уларга сир бўлмай қолди.

Чилонзор район ички ишлар бўлими оператив қисм бошлиғи ўринбосари А. Шестак, жиноят қидирув бўлими бошлиғи Х. Алимов, катта инспектор Т. Болтаев, жиноят қидирув бўлими инспектори А. Дадабоев, Киров район ички ишлар бўлими оператив бўлим бошлиғи ўринбосари М. Муродов, жиноят қидирув бўлими бошлиғи ўринбосари А. Рустамов, катта инспектор Г. Аршалуйсян ва бошқа милиция ходимлари, кунни тонгга улаб, астойдил ўғрилар изига тушишди...

Т. ТОШЕВ.
М. КОМИЛЖОНОВ.

(Давоми бор).

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент бет. оқшоми

6 СЕНТЯБРЬ, 1982 й.

театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/IX да **Абу Али ибн Сино**, 9/IX да **Нодирабегим**, 10/IX да **Ун учинчи раис**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/IX да **Ешлинда берган нўнгил**, 9/IX да **Хотинимнинг эри**, 10/IX да **Ишонмасанг ўламан**.

кино

7 СЕНТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР

«КУН АЖОИБ БОШЛАНДИ» — **Ғафур Ғулом номли.**
«ОЛОВНИ БУЙСУНТИРУВЧИЛАР» — **С. Раҳимов номли.**
«СЕВАМАН СЕНИ, МЕНИНГ РОССИЯМ!» — **Қозоғистон.**
«ЕНҒИН ҲАҚИДА РЕПОРТАЖ» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли.**
«БУ ТУНДА ЮЗ БЕРДИ» — **Искра.**
«ДЎСТ КЎЗИ БИЛАН» — **Пионер.**
«БИР ЕНҒИН ТАРИХИ» — **Дружба.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ҚИЗ ВА ГРАНД» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-60-14).
«АЛВИДО» ДЕЯ ОЛМАЙМАН» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-85-20), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).
«ГРАФ НЕВЗОРОВНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Искра** (16, 18, 19.45 да, телефон 39-11-76).
«ЧАШМА» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

8 СЕНТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР

«КУН АЖОИБ БОШЛАНДИ» — **Ғафур Ғулом номли.**
«ОЛОВНИ БУЙСУНТИРУВЧИЛАР» — **С. Раҳимов номли.**
«СЕВАМАН СЕНИ, МЕНИНГ РОССИЯМ!» — **Қозоғистон.**
«ЕНҒИН ҲАҚИДА РЕПОРТАЖ» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли.**
«БУ ТУНДА ЮЗ БЕРДИ» — **Искра.**
«ДЎСТ КЎЗИ БИЛАН» — **Пионер.**
О, СПОРТ, СЕН МЕНИНГ ҚУВОНЧИМСАН!» — **Нукус.**
«БИР ЕНҒИН ТАРИХИ» — **Дружба.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ҚИЗ ВА ГРАНД» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-60-14).
«АЛВИДО» ДЕЯ ОЛМАЙМАН» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-85-20), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Узбекистон номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).
«ГРАФ НЕВЗОРОВНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Искра** (16, 18, 19.45 да, телефон 39-11-76).
«ЧАШМА» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

Автомашина радиоприёмникларига эга бўлганлар

ДИҚҚАТИГА!

Автомашина радиоприёмникларини ўрнатиш ва ремонт қилиш, ҳамда автомашина антенналарини ўрнатиш

ЧИЛОНЗОР КЎЧАСИ, 83-УЙИДА ЖОЙЛАШГАН

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЦЕХДА ҲАР КУНИ
(якшанба ва душанбадан ташқари)
соат 9.15 дан 18.00 гача

БАЖАРИЛАДИ

Бошқа радиоустахоналарида кўрсатилган аппаратурани ремонтга қабул қилиш

ТУГАТИЛДИ

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЦЕХ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш бирлашмаси.



ГРАЖДАНЛАР!

— Ҳовлилардаги водопроводларнинг ҳамиша соз бўлишини кузатиб боринг. Ичимлик сувининг ортиқча сарф бўлишига йўл қўйманг.

— Квартиралардаги санитария приборлари ва қопқа арматуралари ҳамиша соз ҳолда бўлиши лозим. Ичимлик сувининг беҳуда оқишига йўл қўйманг.

— Кундуз куни полиз экинларини, яшил ниҳолларни водопровод суви билан суғориш қатъиян ман этилади. Суғориш учун ариқ сувидан фойдаланинг.

ЕДИНГИЗДА БЎЛСИН! СУВ — БУ ҲАЁТ! СУВ БИЛАН ҲАЁТ АЖРАЛМАСДИР.

Ичимлик сувни тежаб сарфлаш ҳар биримизнинг бурчимиз, унинг беҳуда сарф бўлишига йўл қўйманг.

Ҳовлилардаги бузуқ водопроводлардан, санитария приборлари ва қопқа арматураларидан беҳуда оққан сув, полиз экинлари ва яшил ниҳолларни суғориш шаҳарни сув билан таъминлашга салбий таъсир этади, аҳолига, айниқса, кўпқаватли уйларнинг юқори қаватларида истиқомат қиладиган оилаларга ноқулай шароитлар вужудга келтиради.

Водопровод тармоқларидаги авариялар ҳақида, сувдан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши ҳақида қуйидаги телефонлар орқали марказий диспетчерликка қўнғироқ қилинг: 33-15-95, 33-75-95.

ИЧИМЛИК СУВНИ ТЕЖАШ УЧУН КУРАШИНГИЗ.

ТОШКЕНТ «ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

6 СЕНТЯБРЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.55 «Сиз яратган боғ». 18.25 Болгар халқ қўйларидан концерт. 18.45 «Офтобда пишган мевалар». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.00 П. И. Чайковский номли VII халқаро конкурс лауреати В. Муллова чалади (скрипка). 19.20 «Партия планлари— халқ планлари». «Сибирь ери». Тюмень областида ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш ҳақида. 19.50 «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 1-серия. «Андрей Болконский». 1-қисм. 21.30 «Время». 22.05 «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 1-серия. «Андрей Болконский». 2-қисм. 22.50 «Дунё воқеалари». 23.05 Волейбол бўйича халқаро турнир. Эркаклар, Ленинграддан олиб кўрсатилади. 23.35 СССР халқ артисти М. Биешу концерти.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 Теннис бўйича СССР чемпионати. Калининграддан олиб кўрсатилади. 19.20 «Музикали саёҳат». Оперетта артистларининг концерти. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.05 Р. Отколенко. «Салом, дадаларимиз!». Телевизион спектакль.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 «Энг ақлли қуён», «Қирол ва қовунлар». Мультфильмлар. 19.00 Болалар учун. «Юлдузча». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Чингиз Аҳмаров». Телевизион фильм. 20.00 «Адабий учрашувлар». С. Баруздин (рус.). 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.25 «Эртага — премьера». Кўрсатувни кинодраматург Ф. Мусажонов олиб боради. 23.35 Янгиликлар.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Болалар учун фильм. «Қувноқ камалак». 18.45 «Совға». Телевизион бадиий фильм. 19.20 «Узбекистон». Телевизион киножурнал. 19.30 «Саҳи-Бахшиҳ». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Беҳбуд Ватаним менинг». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 21.30 МТ II.

7 СЕНТЯБРЬ— СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Духовой оркестр чалади. 10.00 «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 1-серия. «Андрей Болконский». 12.20 Литва ССР Давлат симфоник оркестрининг концерти. 13.00 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Бразилия бўйлаб». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.40 Дубна шаҳар болалар хор коллективининг чиқиши. 16.25 «Поэзия». Пабло Неруда. 17.15 Бутунроссия конкурсининг лауреати А. Занкин чалади (баян). 17.45 «Экономика тежамли бўлиши керак». «Нефтехимик» ёрдамчи хўжалиги ҳақида. 18.00 Боржоми шаҳар ашула ва рақс ансамблининг концерти (Грузия ССР). 18.20 «Монументал пропаганданинг ленинча плани». 18.45 Енгил атлетика бўйича Европа чемпионати. Грециядан олиб кўрсатилади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Сўз— чет эл ёзувчиларига». Кўрсатувда И. Стоун, С. Теркел (АҚШ), Т. Курода (Япония) иштирок этадилар. 19.35 «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 2-серия. «Наташа Ростова». 21.30 «Время». 22.05 «Ешлар адреслари». 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 РСФСР халқ артисти О. Воронец ҳамда Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестрининг концерти.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.40 «Биродар». Бадиий фильм. 20.00 «Спорт ҳафталиги». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 Халқ чолғулари садолари. Зарбли асбоблар. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Нефтчи». В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Сеҳрли қуш». «Ширин эртак». Мультфильмлар. 18.30 «Ижод саҳифалари». Шамиль Алядин. Туғилган кунининг 70 йиллигига. 19.00 Ҳужжатли фильмлар программаси. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбек қўйларидан концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун сламда нима гап?». Халқаро аҳвол кунданги. 22.20 «Журналист». Бадиий фильм. 1-серия. 00.05 Янгиликлар.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Ўқитувчи экрани. 18.45 «Еш куч». Мактаб ўқувчилари учун спорт кўрсатуви. 19.15 Эстетика асослари. Эстетика фани нимани ўрганади (рус.). 19.50 «Чол ва от». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 СССР ташқил топганлигининг 60 йиллигига. «Дўстлик камалаги». Кинопрограмма. 21.30 МТ II.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА
11, 12, 25, 26 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ
Алишер Навоий «ҲАМСА»синнинг 500 йиллиги ва Ш. ҲУРШИД таваллудининг 90 йиллигига бағишланган

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

ҲУРШИД асари. Т. СОДИҚОВ ва Р. ГЛИЭР музикаси.

«ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН»

(II пардали музикали драма)
ПОСТАНОВКАЧИ РЕЖИССЕР— Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист БАХТИЁР ИХТИЕРОВ.
ДИРИЖЕР — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист НАБИ ХАЛИЛОВ.
РАССОМЛАР —Э. ҚАЛАНТАРОВ, А. ЖИБОЕДОВ.
ХОРМЕЙСТЕР — К. САЪДУЛЛАЕВ.
БАЛЕТМЕЙСТЕРЛАР — Ш. АҲМЕДОВ, Ю. ИСМАТОВА.
ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:
Узбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номли Узбекистон Давлат мукофоти лауреати ҲАМЗА ЮМАРОВ.
Узбекистон ССР халқ артисти МАШРАБ ЮНУСОВ;
Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: ШУҲРАТ РАСУЛОВ, АНВАР ЮСУПОВ.
СОЛИСТЛАР:М. ХОЖИМАТОВА, М. САЛИМОВ, Н. РУСТАМОВ ва бошқалар.
Спектакль соат 19.30 да бошланади.
Билетлар сотилмоқда.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Узбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА
1982—1983 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли ишчилар, колхозчилар, пионер вожатийлар ва СССР Қуролли Кучлари сафида хизматни ўтаб бўлганлар, ҳамда саноат корхоналари ва алоқа ташкилотлари, колхозлар, совхозлар ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг йўлланмаси бўлган ёшлар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар йўлланма берган ташкилотда камида бир йил узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак.

Институтнинг тайёрлов бўлимига кирувчилар билан чет тили ва СССР тарихи фанларидан суҳбат ўтказилади ва шу суҳбатнинг натижаларига қараб инглиз, немис ва француз тиллари факультетларига қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар Тошкент давлат чет тиллари педагогика институти кундузги бўлимининг 1-курсига имтиҳонсиз қабул қилинади.

Институтга қабул қилинганлар - 2 та чет (ғарб ва шарқ) тилидан маълумот оладилар, ҳамда таржимон ва педагоглик мутахассислигини эгаллайдилар.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: институт ректори номига ариза, кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) характеристика, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг кўчирмаси, медицина справкаси (286-форма), 8-та фотосурат (3х4 см.).

АРИЗАЛАР 1 ОКТЯБРДАН 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Суҳбат 15 ноябрдан 20 ноябргача давом этади.
Қабул қилиш 25 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.
Ўқиш 1 декабрдан бошланади ва 8 ой давом этади.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўрта мактабнинг кундузги бўлимини 1982 йилда тугатганлар меҳнат стажи бўлса ҳам, тайёрлов бўлимига қабул қилинмайди.

Мурожаат учун адрес: 700020, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 48-уй. Тайёрлов бўлимининг қабул комиссияси.

Узбекистон ССР ғўшт ва сут саноати министрлиги
ТОШКЕНТ ҒЎШТ САНОАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ЎҚУВ КОМБИНАТИ
1982—1983 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Саллоҳлар, ғўштни суякдан ажратувчилар, колбаса ишлаб чиқариш учун қийма тайёрловчилар, колбаса батонларини боғловчилар, совутиш қурилмалари бўйича мутахассислар, сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича мастер ёрдамчилари ва аппаратчилар, контрол-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича слесарлар.

ЎҚУВ КОМБИНАТИГА 8— 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 18 ВА УНДАН ЮҚОРИ ЕШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 4—6 ой.

ЎҚИШГА КИРГАНЛАР ЕТОҚХОНА, ИССИҚ ОВҚАТ ВА СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: маълумоти тўғрисида аттестат ёки справка, соғлиғи тўғрисида справка (286-форма), турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмида 4 та фотосурат, паспорт ҳамда турар жойида жойлашган ғўшт ва сут комбинатидан йўлланма.

ЎҚИШНИ БИТИРГАНЛАР МАХСУС МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА ГУВОҲНОМА ОЛАДИЛАР.

Ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент область Қалинин район Ўртаовул поселкаси, ўқув-тайёрлов комбинати (131-автобуснинг охирги бекати). Ўқув-тайёрлов комбинати.

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг «УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги
214-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

токарь универсал (токарь-каруселлчи, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори), саноат ускуналари бўйича слесарь-ремонтчи, электр пайвандчи, слесарь-механик-йиғувчи, фрезерчи, электромонтажчи, машинада қолиплозчи, слесарь-асбобсоз, штамповкачи, электрон-ҳисоблаш машиналари ремонти ва хизмати бўйича электромеханиклар.

Ҳамма ихтисосликлар бўйича ўқиш муддати 1 ва 3 йил.

Қабул қилинганлар уч маҳал овқат ва кийим билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртининг 3 йиллик курсини битирганларга ўрта маълумот ҳақида аттестат ва 2 хил мутахассислик бўйича диплом берилади.

Билим юртини битириб олган аттестатдаги баҳоларининг ўртача бали 4,5 бўлганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

10-синф ҳажмидаги билим юртини битирганлар билим юртини тугатганлиги ҳақида аттестат оладилар. Ўқиш муддати 6 ой ва 1 йил.

Билим юртини битирган ўрта маълумотлиларга ҳам билим юртини тугатганлик тўғрисида аттестат берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия, ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 33 процента берилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида спорт секциялари, вокал чолғу ансамбли ва миллий чолғу асбоблари ансамбли тўгараклари доимо ишлайди.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишга 8—10 синф ҳажмида маълумотли, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, таржимаи ҳоли.

Бошқа шаҳардан келган ўқувчилар турар жойларидан пропискадан ўтишлари ва билим юрти ётоқхонасига пропискадан ўтишлари ҳамда уларни шахсий учет карточкаси, ВЛКСМ аъзолиги учет карточкаси ва комсомол билетини олиб келишлари зарур.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 29-трамвайлар, 8, 9, 115, 112, 72, 60, 24, 44-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
Октябрь революцияси номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тепловоз-ремонт заводи базаси
11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1982 — 83 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: ёритиш тармоқларининг электр монтажчиси, иккиламчи занжирлар коммутацияси бўйича электр монтажчи, автоматика ва контроль-ўлчов асбобларини тузатиш бўйича слесарь, киномеханик (фильмларни текшириш ишини биладиган), радиотелевизион аппаратураларга хизмат кўрсатиш ва тузатиш бўйича радиомеханик, электро-газ пайвандчиси.

БИЛИМ ЮРТИГА 8 — 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН, 15 ВА ЎНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 1 —3 йил.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртига тўлиқсиз ўрта маълумотлилар группасига кириб уч йил ўқиганлар ўрганган касби ҳақида ва тўлиқ ўрта маълумот ҳақида диплом оладилар. Улар кунига уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар;

билим юртига ўрта маълумотлилар группасига кириб бир йил ўқиганлар ўқиш даврида ҳар ойда 76 сўмдан стипендия оладилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 33 процентини (электрмонтажчилар группасидаги ўқувчилар эса иш ҳақининг 50 процентини) оладилар.

Билим юртида эшкак эшиш ва бокс бўйича ихтисослаштирилган спорт группалари ташкил этилмоқда.

Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар электрмонтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирсалар ётоқхона билан таъминланадилар. **Улар учун ўқиш муддати қисқартирилган:** ўрта маълумотлилар 7,5 ой, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар эса 10,5 ой ўқийдилар.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Билим юртини битирганлар техникумлар ва олий ўқув юртларига кириш имтиёзларидан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар эса корхоналардаги мажбурий хизматни ўтамай, ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун йўлланма билан юборилади.

Билим юрти яхши жиҳозланган спорт базасига эга. 14 та спорт секцияси доимо ишлайди. Техника ижоди тўгараги ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 дан 17.00 гача ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси, турар жойидан справка. 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки ҳарбий билет).

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановолик тўқимачилар кўчаси. 8-уй (2, 3, 18, 33, 34, 45, 66, 70, 79-автобуслар, 4, 7, 9, 11, 14, 24-трамвайлар, 2, 6, 13, 15, 16 троллейбусларнинг «Тўқимачилик» комбинати бекати).

ЙИЛ БЎЙИ ҚУЛАЙ ПОЙАФЗАЛДА

«КУЗ ВА ҚИШ ТАРАДДУДИНИ ЁЗДА КЎРИБ ҚЎЙ!» ШУ КУНЛАРДА КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМ УЧУН ПОЙАФЗАЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН ТОШКЕНТДАГИ 2 ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИНИНГ МУТТАХАССИСЛАРИ ШУНДАЙ МАСЛАҲАТ БЕРИШАДИ.

82-ИИЛ ПОЙАФЗАЛИНИ ТАҚДИМ ҚИЛАМИЗ!

ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН:

— кичик сернялари цехида ишлаб чиқарилаётган кузги ва қишки этиклар бошлиғи — рангдор хромдан, таги — айниқса нафис, қалинлиги 9 сантиметргача бўлган пошнали, таглиги юмшоқ полиуретанли. Астари поролонли, боғичи молнияли. Баҳоси— 80 сўмгача.

«Новинка» — ички сунъий мўйна билан ишланган, бошлиғи табиий чармдан бичилган, таглиги «Венеция» полиуретанидан ишланган, пошнасининг баландлиги 5 сантиметргача. Кундаси қулай ва чидамли этик, хошиялик чок ва фурнитура билан безакланган. Боғичи молнияли.

«Табиий чармдан ишланган ёпиқ туфли. Бошлиғи ёнидаги қирқимда марказ бўйлаб ички чок ва фигурали қопқоқ ўрнатилган бўлиб, у сиртқи тасмачаси ортидан олиб ўтилган, янги, замонавий кўринишдаги— оқ термоэластопластдан ишланган бўлиб, пойафзални чидамли ва нам ўтказмайдиган қилган. Пошнаси 9 сантиметргача чарм билан қопланган.

ЭРКАКЛАР УЧУН:

— калта кўнжли этиклар, ичига сунъий мўйна солинган бўлиб, ён томонида боғичи молнияли, фигурали бошлиғи хошияли ранж билан пардозланган. Сиртининг материали — табиий чарм, пасти эса — говакли резинка билан ишланган;

— табиий чармдан тикилган ички чуқур ботинка, боғичли, жим-жима чокли,говакли резинадан таглиги қулай қилиб ишланган.

Ранг-баранг моделлар, пойафзалларни безашда қўлланган замонавий услублар сизнинг эътиборингизни тортиши турган гап.

БУНДАЙ ПОЙАФЗАЛЛАР ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ МАГАЗИНЛАРИДА СОТИЛМОҚДА.



Узбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг марказий лойиҳа-конструкторлик ва технология бюроси.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

4 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар: партия гурмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарвар ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

6 СЕНТЯБРЬ, 1982 й. Р—07399. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В— 2524 ИНДЕКС 64691